стратегия
ИНУТЕХОНАСИ
ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ

ЗИГМУНД ФРЕЙД

Фрейд инсониятни кўпроқ онгли ва билимли қилди, у кишиларни ўзининг ботиний-руҳий оламига чуқурроқ назар ташлашга ўргатди, минг ваҳки, булар билан у инсонни некбахт қилолмади. Фрейд мисолида кишилик бир нарсани англаб етди, бу ҳам аслида даргумон қалбидаги, руҳидаги сирни очиш унга ҳеч қачон бахт келтирмайди.

2-бет

ГАЗ НАРХИ НЕГА ОШИРИЛДИ?

Россия ва Қозоғистон раҳбарлари қозоқ гази нархини бозор баҳосига етказишга келишиб олдилар. Россиянинг "Газпром" компанияси Қозоғистондан харид қилаётган газ баҳосини қарийб уч бараварга оширган ва энди минг куб/метр газ баҳоси 140 долларга етган.

Экспертлар Москванинг бу ҳаракатини Остона билан муносабатларни бузиб қўймаслик учун қилинган деб ҳисоблашади.

3-бет

ТЕМИР ЗАНГИ

Ўз шаҳрида ватанпарвар ёзувчи сифатида шуҳрат қозонган Бородин Тошкентга юборилади. Бу ерликларга ватанпарварликдан дарс (сабоқ) бериш учунми? Балки! Балки харидор сифатида ташриф буюриб, ватанни қандай сотиш кераклигини ўргатиш учундир?! Нима бўлганда ҳам ўшанда Ўрта Осиё унинг бадиий салоҳияти қаршисида тиз чўкди, унинг ижод фабрикасидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миллион нусхаларда зудлик билан истеъмолчиларга етказиб берилди.

4-бет

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@mail.ru № 19 (481) 2006-yil 24-may

«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Таклиф

ИҚТИДОРЛИЛАРГА ИМТИЁЗ БЕРИЛСА

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда мингга яқин ОАВ фаолият кўрсатмоқда. Кундан кунга янги номдаги газета, журналлар нашр этилиши одатий ҳолга айланиб қолди. Бироқ малакали ижодий ходимларнинг етишмаслиги туфайли ОАВда саёз савияли чиқишлар халқимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Аччиқ бўлса-да, ҳаётий ҳақиқатни тан олиш лозим. Шўролар қўрқув салтанатининг асорати ички цензура — ҳадиксирашлардан журналистларимиз халос бўлмас эканлар, миллий журналистикамиз тараққиёти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ўзбек зиёлиларининг етакчи намояндаларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлонийларнинг халқимиз онг-шуурида маърифат чироғини ёқиш йўлидаги мардона ҳаракатларини эслашимиз ўринлидир. Истиқлол даврида шаклланаётган "ов емаган, юраклари бут" ёш журналистлар шижоатлари, ташаббускорликлари билан мазкур соҳани тараққий эттиришларига умид қилса бўлади.

Муаммони яна бир оғриқли томони, туман газеталарида қалам тебратаётган журналистларни аксари қарилик нафақаси ёшидаги ходимлардир. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий нашрларни ёш кадрлар билан таъминлаш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Тўғри, ҳозирда республикамизда 2 та университетда журналистика факультети, 1 та университетда бўлим, 1 та университетда гуруҳ ташкил қилинган. Ўтган 2005 ўқув йилида Президентимиз қарори билан икки йиллик махсус олий журналистика мактаби очилди. Аммо юзлаб битирувчилардан ўн фоизи ҳам ОАВда фаолият олиб бормаётганликларини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Ривожланган давлатларда ижодий қобилиятга эга ёшларни танлаб ўқитишга алоҳида эътибор берилади. АҚШда 500 дан ортиқ, Россияда 100 га яқин журналистика факультетлари ва бўлимлари мавжуд.

Юртимизнинг турли вилоятларида ёзишга лаёқатли ёшларимиз кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг турли сабабларига кўра кундузги бўлимларда таҳсил олишлари учун шароитлари йўқ бўлиши мумкин. Мана шундай ёшлар учун журналистика соҳасида сиртқи бўлимлар тикланса, иқтидорли ёшларнинг юқори малакали кадрлар бўлиб етишишлари учун имкон яратилган бўларди. Улардаги ҳаётий тажриба, элимиз ўй-ташвишларига ҳамнафаслик, келажакда ватанимиз манфаати йўлида хизмат қилиши муқаррардир.

Кўпинча, журналист меҳнатини кончилар заҳматига қиёслашади. Бугунги кунга келиб бўлажак журналистларнинг кўпчилиги қизлар. Кончилик заҳматининг оғир масъулиятини қизларимизнинг нозик елкаларига ортиб қўймаяпмизми? Йигитларимизни бўлажак талабалар сафига қабул қилишда алоҳида эътибор зарурга ўхшайди.

ОАВ орқали журналистика борасида қобилиятли ёшларни танлаб олиш мақсадида ижодий танловлар ўтказилса, ғолиблар журналистика факультетларига имтиёзли қабул қилинсалар, юртимиздаги талантли ёшлар юзага чиқиши учун амалий ёрдам бўларди. Маълум маънода ижодий ишга лаёқатсиз ёшларни адашиб кириб қолишларига чек қўйилган бўлар эди.

Анваржон ҲАЛИМОВ

Кун

МУДОМ УЧРАШУВГА ЧОРЛА, ҚЎНҒИРОҚ

Ишхонамизда бир назокатли ходима бор. Коллежлардан бирида дарс беради. Яқинда ишлаб ўтирган жойида компьютердан бошини кўтардида, дераза орқали узоқларга маъюс тикилганча, шундай деди:

— Юрагим орзиқиб кетаяпти...

Бу дардли нидодан биз, мусаҳҳиҳлар, ҳушёр тортдик-да, сўрадик:

— Нега, опажон?

— Яқинда сўнгги қўнғироқ чалинади, — деб давом этди у, — коллежда дарслар тугайди...

— Нега азият чекаяпсиз бундан?

— Ахир талабаларим уй-уйларига тарқаб кетишади. Мен уларга жуда ўрганиб қолганман. Янаги қўнғироққача қандай чидайман?!

Оламизнинг кайфияти бизга ҳам кўчди. Шаҳар шовқинлари ичида ўтган кунларни бироз унутган эканмиз, ҳаммамиз хотиралар таъсирида маъюс бўлиб қолдик. Бизни мустақил ҳаётга кузатган қўнғироқнинг садоси қулоқларимизда қайтадан овоз бераётган эди.

Яна ўша дамлар етиб келди. Адашмасам, билим масканларида бир ҳаяжонли ҳолат мужассам. Бу — битирувчиларнинг кўнглидан кечаётган безовта туйғулар. Халқ таълими вазирлигидан берилган маълумотга қараганда, бу йил республикамиздаги умумтаълим мактабларининг 11-синфларини 260 мингдан зиёд ўқувчилар тамомлаб, мустақил ҳаётга йўл оладилар.

Ҳар йили сўнгги қўнғироқ тадбирлари жуда уюшқоқлик билан ташкил қилинади. Бу борада шаклланган анъана мавжуд. Тадбирларда битирувчиларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирок этишлари битирувчиларнинг келажак олдидаги масъулиятларини янада кучайтиради. Мактабни тугатиб кетган собиқ ўқувчилар, мактаб ҳомийларини таклиф этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Албатта, ҳар бир таълим муассасаларининг ўз ютуқлари,муваффақиятлари бўлади. Тадбир давомида туман, вилоят, республика кўрик-танловлари, олимпиадалар, спорт мусобақаларида фаол қатнашган ўқувчиларни рағбатлантириш, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатиш тантанаси алоҳида мазмун касб этади ва ғурур бағишлайди, қуйи синф ўқувчиларида эса ҳавас ҳиссини уйғотади.

Шубҳасиз, таълим масканида ташкил этилган ҳар бир тадбирлардан кўзда тутилган мақсад унинг тарбиявий самарасидир. "Сўнгги қўнғироқ" ҳам миллий анъаналаримизга мос, камтарона уюштирилгани маъқул. Аммо тадбир ўтказиш учун битирувчилардан пул йиғиш, раҳбар ва ўқитувчиларга қимматбаҳо совғалар ташкил этиш ҳамда оқшомни хонадонларда, кафе, ресторанларда ўтказиш қатъиян ман этилади.

(Давоми 2-бетда).

Премьера

ШУКРУЛЛО. "ҲАСРАТ БОҒИ"

Аслида бу халқимизнинг ҳасрат боғи. Унда манқуртлик чинорлари, қуллик тераклари самога бўй чўзиб турибди. Бунда дунёнинг "энг гўзал" иллатлари гуллаган, ўзлик ўсимликлари ўриб ташланган. Мана шундай муҳитда рўй берган воқеалар "Ҳасрат боғи" спектаклининг асосини ташкил қилади.

Премьера. Миллий академик театри зали одамлар билан лиқ тўла. Спектаклни завқ-шавққа тўлиб-тошиб томоша қилишмоқда: гоҳ йиғи, гоҳ кулги. Ора-орада қарсаклар. Саҳнада эса чамаси йигирма йиллар олдинги халқимиз ҳаёти кечмоқда. Тақдирлар: алданган, хўрлаган, эзилган — бариси бир миллат вакиллари. Катта ғояга қурбон бўлган оға-инилар — айримлари ишонмаганидан, бошқа бирлари эса кўр-кўрона ишонгани учун маҳв этилган.

Хуллас, мавзу эски: собиқ тузум кирдикорлари ҳақида. Лекин нега томошабин уни ич-ичидан кутган оригинал мавзудаги спектакл сифатида қабул қилди?

— Эшитиш бошқа, бошдан кечириш бошқа, — дейди пьеса муаллифи Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло. — Ўзим спектакль қаҳрамонлари билан қисматдошман. Ҳаёт инсонга бир бор берилади. Ачинарлиси, менинг умрим собиқ совет тузумига қурбон бўлди. Бу пьесани ўтмишни шунчаки қоралаш учун ёзмадим, асар сюжети тўқиб чиқарилган воқеалардан иборат эмас.

— Лекин барибир бошқа ижодкорлардан кўра сизнинг асарларингизда собиқ совет тузумига нафрат кучлироқ. Шундай эмасми?

— Аввало, тарих бугунни кўкка кўтариш мақсадида қораланмаслиги лозим. Агар шундай бўлса, большевиклардан фарқимиз қолмайди. Ўтмишга танқидий назар билан қараш эски хатоларнинг такрорланмаслиги учун, кеча қандай эдик, бугун ўзгардикми деган саволга жавоб топиш учун асқотади. Муқояса қилиб ҳозирги вазиятни белгилашга керак бўлади. Бу эса тараққиётнинг асосий омилидир. "Қуш ҳам қафасга тушгунча қўрқади. Кейин у дахлсиз, бемалол яшайверади", — дейди пьеса қаҳрамонларидан бири. Чунки қуш қафасда яшашга кўникиб кетади. Ҳатто бундан бошқача ҳаёт — озодлик борлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Кимдир унга қаердалигини эслатиб қўйиши керак...

* * *

Спектакль охиридаги кўриниш: бутун халқ — ёшлар, кексалар шоду хуррам келажак сари йўл олган. Уларнинг оёқлари остида шу халқни бошқарадиган амалдорлардан бири, бутун умр ҳақиқатдан бехабар яшаб билиб-билмай ўзига, миллатига қарши ишлар қилиб келаётган Холиқулов юз тубан ётибди. У каддини тиклашга, одамларга қўшилишга уринади. Халқ эса ўтиб бораверади...

Фаррух ЖАББОРОВ

Хабар

"ТАЪЛИМ-2006": ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ

Пойтахтимизда "Таълим – 2006" биринчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазма ташкилотчилари Ўзбекистон савдо саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари бўлди.

Тадбир тантанали равишда карнай-сурнай наволари остида очилди.

Кўргазмада шаҳримиздаги барча олийгоҳлар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ўз иш фаолиятларини намоён қилдилар. Ўқитувчи-педагогларнинг маъруза матнлари, ўқув қўлланмалари, дарс ишланмалари, тўгарак ишлари, буклетлар, ўз соҳалари бўйича тайёрланган макетлар ташриф буюрган меҳмонларнинг эътиборини тортди.

Айниқса, Тошкент иқтисодиёт коллежи ўқитувчилари ва ўқувчиларининг чиқишлари диққатга сазовордир. Коллежнинг "Молия" йўналиши томонидан тайёрланган "Сирғали машина бозори макети" таҳсинга сазовор бўлди. Коллежнинг иқтидорли ўқувчилари ўзларининг бадиий чиқишлари билан ҳам барчанинг эътиборини тортдилар.

Зебо АБДУҚОДИРОВА

МММда

ДУНЁ ЭЪТИБОРИДАГИ КУРАШ

Миллий матбуот марказида кураш спортини бутун дунёда ривожлантириш мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комил Юсупов ва ташкилотнинг биринчи вице-президенти Жагдиш Татлер (Ҳиндистон) иштирок этдилар.

Матбуот анжуманида маълум қилинишича, айни пайтда курашни 2010 йили Хитойда ўтадиган Осиё ўйинлари спорт турлари сафига қўшиш учун фаол ҳаракат қилинмоқда. Миллий спорт тури саналган курашнинг халқаро миқёсда нуфузга эга бўлаётгани қувонарли ҳол. Эслатиб ўтамиз, ҳозирда 70 дан ошиқ мамлакатда кураш федерациялари ташкил этилган.

Зумрад ЛУТФУЛЛАЕВА

Қочган ҳам, қувган ҳам Худо дер, бироқ
Қочганга тун ҳамдам, қувганга чироқ!

Жаҳонгир МИРЗО чизган

Янгилик

МУСЛИМАЛАРГА ТУҲФА

Қўлимда "Мовароуннаҳр" нашриёти томонидан чоп этилган "Муслима" аёллар ойлик тақвимининг нишона сони.

Уни ички бир соғинч билан "бисмиллоҳ"ни айтиб қўлга оламан. Аёллар тақвими қалбимизни шод этиб, дилларни тўлқинлантиради. Негаки, менинг юртимда нашр этилган ушбу аёллар тақвими Марказий Осиё давлатлари орасида яккаю ягона.

Биламизки, ҳар қандай нашрнинг ўз ўқувчиси бўлади. Аёллар матбуоти ҳам мустақиллик даврида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада кенгайиб, ўсиш томон юз тутди. Айни баҳор фаслида республикамиз матбуотини бойитиб "Муслима" аёллар ойлик тақвими эзгу ниятлар билан хонадонларимизга кириб келди.

"Иймон келтириб, яхши амалларни қилганлар жаннатда шодланурлар" (Рум – 15) ояти каримасини ўзига шиор қилиб олган "Муслима" аёллар тақвимининг муқовасига назар ташлаймиз. Шоира Зулфиянинг "Гуллаган ўрикдек ораста отин" шеърий сатрларини ёдда тутиб, кўнгилларда баҳор, соғинч, покиза туйғулар шаббодасини ҳис қилгандек бўламиз.

Сурати сийратига мос ички муқовага назар ташлаймиз: араб ва кирилл имлоларида босилган иймон калималарини ўқиб, жисман ва маънан Яратганнинг олдида поклана-миз.

Нашр мундарижасига кўз югуртириб, республика матбуотида танилган, танилаётган зиёли муслима журналистларимизнинг ажиб гулдастасига дуч келамиз: Зебинисо, Умида, Маҳзуна, Гулбаҳор, Дилдора, Нигора, Зилола, Норбуви, Машкура, Дилноза... Ўзбекнинг исми-жисмига монанд қизлари.

Кўплаб диний нашрлар ноширн бўлиб ўзининг қувваи ҳофизаси кенглиги, интилувчан ва изланувчанлиги билан кўпчиликка танилган Тўлқин Нурмуҳаммад "Тақдим" сарлавҳали сўзбошисида "Бугун тарбияга, илмга, ахлоққа нақадар муҳтожмиз... Оламнинг оғриқларига иймонли, илмли оналаримиз, аёлларимиз малҳам қўя олади", деб ишонч билдириши руҳиятга куч бағишлайди.

"Мунаввар туйғулар", "Бизнинг меҳмон", "Либосида ибоси", "Ўгит", "Аёл ва олам", "Ибратли воқеалар", "Сийрат", "Муборак васият" рукнлари остида жой олган ихчам, маъноли ҳикоялар, воситасида шарқона одоб ва маърифат бўстонларига сайр этамиз.

Тақвимни варақлар эканмиз, Аёл дунёси, Она орзуси билан тиллашиб, алла оҳангларига маст бўламиз. Мумтоз шеърият, мушоира наволарига дил боғлаб, иймон ҳаловатини ҳис этамиз, ўзимизга хос хулосалар ясаймиз. Либос масъулияти, дастурхон, сийрат, табобат саҳифалари орқали ўзимиз учун керакли маслаҳатлар оламиз.

"Муслима" аёл ҳақиқатини, унинг нафосатини, марҳабасини қадрлаш, ўзини ўзига англатиш, аёллар зийнатини муносиб тарзда ифода этишдан иборат гўзал вазифани ўз олдига қўйди.

Эзгу умидлар билан катта карвонга қўшилган "Муслима" тақвими сизга яқинроқ ҳамроҳ, сирдош бўлиб қолишига умид қиламиз.

Марҳамат АЛИМОВА, тарих фанлари номзоди

Оғриқ

ЭНДИ ТОШЛАРГА ЁЗИШ ҚОЛУВДИ

Тарих манбаларининг бирида Темир қопуғ, яна бирида Амир Темур дарвозаси ва яна бирида Илон ўтти деб номланган дарадан ҳар ўтганимда Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг сўзларини эслайман: "Бу тоғларда қилич ўйнатиб Темур, юлдузларга қўл чўзиб Улуғбек, ўйга толиб Навоий, ғуссага ботиб Бобур, фарёд чекиб Машраб ўтган".

Икки томонида икки қоя туртиб чиққан дара, бир томонида темир йўл, бир томонда автойўл, ўртада шовуллаган Сангзор дарёси юқоридаги сўзларни тасдиқлаётганга ўхшайди. Яна бу ерда Мирзо Улуғбек ва Абдуллахон II лар тошга ёздирган битиклар бор! Демак, ҳар бир қадами тарих, ҳар бир қаричи ривоят, афсона.

Эсимни танибманки, шу ердан ўтаман. Ҳар сафар тошларда пайдо бўлаётган янгидан янги ёзувларга кўзим тушиб ўйлайман: нимага керак бўлиб қолган экан шу ёзувлар! Қаранг, ҳеч нарсани уқиб бўлмайди, бугун биттаси келиб номини ёзади, эртага уни ўчириб иккинчиси устидан ёзиб кетади. Қайсин Қулиевнинг "Яродор тош" деган тўпламини эслайман. Узоқдан қарасангиз ола чалпоқ! Бу ерда қанақа ранглар йўқ дейсиз! Тошлардаги ёзувларга қараб кимнинг кимни севишини, айтолмай тошга ёзган бечора ошиқнинг ҳолини, номини абадийлаштирмоқчи бўлган манман, арзон олифтанинг тантиқлигини, шу ердан ўтганлигини пеш қилувчи лўттивознинг хурмача қиликларини сезиб олиш қийин эмас. Улар қимматбаҳо буёқлар харид қилиб, не азоблар билан тоғ қояларига кўтарилиб, оёғининг тагига нарвон қўйиб, ит азобида ўз номларини ёзмоқдалар. Кимга кераги бор экан бу машмашалар! Уларнинг орасида номдор кишиларнинг отларини ўқиб қоласиз, ҳай аттанг, энди бу ҳам мода бўлибди-да! Бундай ёзувлар фақатгина дарада бўлса эди, йўқ, ўнўн беш километр узунликда йўл бўйида туртиб чиққан ҳамма қоятошларга ёзилган.Тоғу тошларга ёзиш истаги шу қадар ҳакалак отаяптики, пичоқ, мих, ўткир қурол билан ёзишни ҳар қадамда учратаяпмиз.

Табиатнинг энг гўзал оғуши бўлган ўрмонларга боринг, бағрига ёзилмаган бирорта дарахт бормикан? Мактабларга бориб, парталарнинг бетига қараб бўлармикан? Истироҳат боғларига боринг қани, ўриндиқлар қай аҳволда экан? Театр, кино залларида, асрий обидаларда, машиналардаги ўриндиқларда — ҳамма-ҳамма ерда қўли қичиганларнинг кирдикорларини кўрасиз.

Бекатлардаги ўриндиқларга, деворларга ёзилган сўзларни кўриб ачиниб кетасан, киши! Лоқайдлик туфайли кўрсак ҳам индамаймиз! Мактаблар, маҳаллалар, ота-оналар нега шу нарсаларга эътибор беришмайди. Бугун ўриндиққа ёзган бола эртага яна қаерларга номини ёзар экан?! Бу ҳолатлар ҳамма жойда учраётгани учун уларни номма-ном таъкидлашга эҳтиёж йўқ, деб ўйлаймиз.

Ўсиб турган дарахтларнинг танасига мих қоқадилар, ёниб турган тунги чироқларни синдирадилар, темир тўсиқларни кенгайтириб, бир кишилик йўл очадилар, шармандали сўзларни ёзадилар! Бундай ёзувчилик балоси қачон тугар экан?! Қачон киссасида учи ўткир, михи борларга инсоф берар экан?!

Пардабой ТОЖИБОЕВ, "HURRIYAT" мухбири

МУДОМ УЧРАШУВГА ЧОРЛА, ҚЎНҒИРОҚ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

... Шундай қилиб, инсон умридаги лаҳзалар, балки маълум босқичлар ўтганидан огоҳ қилиб қўнғироқ янграйди. Унинг жаранги узоқ вақт кўнгилларда акс-садо бериб туради, карвон қўнғироғи каби манзилга чорлайди. Бу манзил эса Дийдордир. "Айриликдан сўнг висол бор", деганларидек, қўнғироқ садоси остида турли тарафларга парвоз этиб кетганлар яна қўнғироқ чорлови билан учрашадилар.

Шундай ҳам бўлди.

Бундан 40 йил бурун ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)

Икром ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири: — Бу учрашув ҳаммамизни 35 йилга ёшартирди...

филология факультетига республикамизнинг турли бурчакларидан 50 дан зиёд ёш талабаликка қабул қилинган эди. Беш йиллик таҳсил ортда қолди, ундан сўнг 35 йил ҳам ўтиб кетибди (вақтнинг тез ўтишини қаранг). Шунча фурсатдан сўнг курсдошлар учрашдилар. Энди бу сафар университетнинг муҳташам биноси, унинг қаршисидаги гўзал хиёбон сочларига оқ тушган ёки боши тап-тақир бўлиб қолган, тўлишиб кетган ва тоат-ибодатни фарз қилиб олган ўрта ёшли одамларни кутиб олди. Уларнинг кўпи бугунги ҳаяжонли дамларга етиб кела олмади: баъзиларининг умр карвони поёнига етган, баъзилар эса турмуш ташвишларидан вақт орттира олмаган эдилар.

Қизғин дийдорлашув эди: курсдошлар гўзал хиёбонларни оралаб, хилват бир масканга етдилар ва энди бир-бирига ҳисоб бериш, тотли хотираларни эслаш фурсатига ноил бўлдилар.

... Ўша йили ўқишга қабул қилинганларнинг зуваласи анча пишиқ экан. Йиллар синови кўрсатдики, улар вақт имтиҳонидан муваффақиятли ўтиб, ўзларини намоён эта олишди. Уларнинг сафидан бугун моҳир мураббийлар, иқтидорли олимлар, жамоат ва давлат арбоблари, машҳур журналистлар, ноширлар ўрин олган. Аксарият фидокорона меҳнатлари эвазига давлат мукофотлари билан тақдирланган, унвонларга муносиб кўрилган.

Албатта, дилкаш суҳбатлар ҳазил-мутойибасиз, кулгисиз кечмайди. Ботбот курсдошларнинг қаҳқаҳаси янграб турди, аммо жиддий гап шу эдики, ўша пайтда **талабчанлик** деган мезон қатъий эди. Устоз ҳам, талаба ҳам ўзига-ўзи талабчан эди.

— Пул билан баҳо олиш тасаввурда ҳам йўқ эди, — дейишади ҳамма бирров, — бундай ҳол номус, номуссизлик ҳисобланарди...

— Эҳтимол, шундай муносабат туфайли ҳамма ҳаётда ўз ўрнини топишга эришгандир.

Собиқ курсдошлар учрашуви охирида энди 5 йилда эмас, йил ўтказиб дийдорлашиб туриш истаги изҳор этилди. Зеро, вақт суръатининг шиддати дилларни, кўнгилларни яна ҳам яқинроқ бўлишини тақозо этмоқда. Қўнғироқлар дийдор манзилларига чорлаб, тез-тез жаранглаб турсин.

Жамил ЖАЛОЛ,
Машҳура МАМАНОВА

Бугун қандай кун?

24 май. Бу кунда жаҳон тарихида қуйидаги муҳим ҳодисалар рўй берган:

Милоддан аввалги 15 йил. Рим саркардаси Гай Юлий Цезарь дунёга келди.

827 йил. Славян алифбоси ихтирочиси Кирилл таваллуд топди.

1722 йил. Пётр I Форс юришини бошлади.

1743 йил. Француз инқилобчиси, якобинчилар ҳаракати етакчиси Жан Пол Марат туғилди.

1819 йил. Англия қироличаси Виктория дунёга келди.

1844 йил. Вашингтон шаҳридан Балтиморга морзе алифбосидаги биринчи телеграмма юборилди.

1883 йил. Нью-Йоркда Бруклин кўприги ишга тушди.

1905 йил. Рус ёзувчиси, «Нобель» мукофоти соҳиби Михаил Шолохов таваллуд топди.

1918 йил. Канадада аёллар федерал сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди.

1925 йил. «Комсомольская правда» газетасининг биринчи сони нашрдан чиқди.

1945 йил. Немис фельдмаршали Риттер фон Грейм ўз жонига қасд қилди.

1964 йил. Лима стадионида ўтган Перу-Аргентина учрашувидаги тартибсизликлар пайтида 300 томошабин ҳалок бўлди.

1993 йил. Эритрея (Африка) Эфиопия таркибидан чиққани ва мустақил бўлганини эълон қилди.

1995 йил. АҚШда беш бора «Оскар» мукофотини олган «Шерюрак» фильми тақдимоти бўлди.

2000 йил. Исроил Ливандан ўз ҳарбий кучларини тўла олиб чиқди.

2002 йил. Кийимларни ювиш, қуритиш ва дазмоллаш имконига эга бўлган машина ихтиро қилинди.



Икки кўзи баҳслашиб
кўп-да панд берган.
Шу сабаб бирин қисиб
мўлжаллар мерган!...

Жаҳонгир МИРЗО чизган

Ҳуқуқ

ИНСОНПАРВАРЛИК

одил судловнинг асосий мақсади бўлиши керак

Инсон — мукаррам зот. Истиқлол туфайли жамиятимизда, аввало, инсонга муносабат тубдан ўзгарганини тан оламиз. Айни пайтда бу борадаги неча минг йиллик миллий қадриятларимиз қайта қарор топганини, шу билан бирга, мустақил давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида инсонпарварлик ғоялари тантанасига хизмат қилувчи умумэътироф этилган халқаро андозалар тобора устувор аҳамият касб этаётганини фахр билан қайд этамиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони ана шу эзгу мақсадларимизнинг яна бир яққол намоёни, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устувор қадрият сифатида мустаҳкамлаш йўлида қўйилган навбатдаги ҳайрли қадам бўлди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган асосий Қомусимизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Конституциямизнинг 24-моддасида эса яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи экани таъкидланган.

Юртимизда жиноят учун жазо тайинлашга янгича демократик ёндашувлар воқеликка айланди ва улар адолат ҳамда инсонпарварлик тамойилларида янада уйғунлашиб бораётир.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар замирида инсон манфаати ётади. Қолаверса, Конституция ва қонунларимизда белгилаб қўйилган фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини одил судловни амалга ошириш орқали тиклаш, шу асосда қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш ислоҳотларнинг бош мақсадидир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясидаги "Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши мумкин эмас" ёки "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги Халқаро Пакт"даги "Ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ушлаб турилиши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишини судда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга, токи суд дарҳол унинг ушланиши қанчалик қонуний эканлиги борасида қарор чиқара олсин ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса, озод қилиниши ҳақида фармойиш бера олсин" деган қоидалар ўз аксини топган.

Мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг бу каби қоидаларини тан олиш билан бирга, бу меъёрларни миллий қонун ҳужжатларига сингдиришга эътибор бериб келмоқда. Зеро, дунёвий ривожланиш йўлини танлаган мамлакатимизда демократик қадриятлар шарқона ҳаёт тарзи, миллий менталитет ва қадриятлар руҳига уйғун ҳолда баҳоланади. "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судга ўтказиш тўғрисида"ги Президент Фармонида ҳам айнан шундай мазмун мужассам. Ушбу фармон суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичида мўлжалланган вазифаларни суд амалиётида қўллашни таъминлайди, ҳокимият тармоғида суднинг мустаҳкамлигини мустаҳкамлашга, одил судлов жараёнида тортишув тамойилини кенгайтиришга, инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

Суд тизими изчиллик билан ислоҳ қилинаётганлиги юксак маданиятли, фақат қонунларга бўйсунувчи мустақил судьялар шаклланиши ва фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Шундай экан, ҳар бир судья ўз ваколатларини давлат ва фуқаролар олдида ўз масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда билим ва тажрибасини ишга солиб бажаришлари лозим. Масъулиятни чуқур ҳис қилиш эса юксак ҳуқуқий маданият асосида вужудга келади. Бинобарин, юксак ҳуқуқий маданиятни ўзига сингдира олган судьягина зиммасига юклатилган вазифани, нуфузли ва судга ҳурматни шакллантирувчи ахлоқ-одоб меъёрларига риоя қилган ҳолда амалга ошириши, суд ҳокимияти шаъни ва мустақиллигини мўътабар тутиши, ҳалол ва беғараз бўлиши, қонунга риоя этиши ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши лозим.

Ана шунда республикамизнинг ҳеч бир фуқароси ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ноҳақ чекланганидан озор чекмайди. Бунга эришиш биз судьяларнинг бурчимиз. Бу бурчга содиқлик эса ҳар бир ҳуқуқ-тартибот ходими учун муқаддас шарафдир.

Ўктам ХОЛМУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг судьяси

"Hurriyat" – 10

ЗАРВАРАҚЛАРДАН

Алижон ЗОҲИДИЙ

ТИББИЙ САВОДХОНЛИГИМИЗ ҚАНДАЙ?

Таассуфки, биз табобатга ҳаддан ортиқ масъулият юклаб, ундан кўп нарса кутамиз. Ваҳоланки, тан ва руҳ саломатлиги бор-йўғи 8-10 фоиз ҳолдагина табобатга бевосита боғлиқ. Хўш, қолган ҳолларда-чи? 20 фоизи ирсиятимизга, яъни насл-насабимиз поклигига... Ва ниҳоят 50 фоиздан ортиғи бевосита ўзимизга — яшаш тарзимизга боғлиқ экан!

1998 йил, 18 март

РАСМ ОРТИДАГИ СЎЗЛАР

Швейцариялик мухлислар:

— "Ҳуррият" яхши газетага ўхшайди. Бироқ қолган саҳифалари қани?

Изоҳ: Европанинг ривожланган мамлакатларида ҳафталик газеталар 70-80, ҳатто 100-150 саҳифа бўлиб чиқади.

25 март

Қаранг-а!
А. АЛИЕВ

БИРИНЧИ АПРЕЛЬ КАРОМАТЛАРИ

1844 йил 1 апрелда америкалик машҳур ёзувчи Эдгар По "Нью-Йорк сан" газетасида, бошқариладиган бир дирижабль Европадан Виржиния штатига учиб келди, деган хабарни бостирган эди. Ёзувчининг обрўси баланд бўлганлиги учун, одамлар унинг имзоси билан чиққан хабарга ишонишганди.

Мазкур хабар биринчи апрель ҳазилидан бошқа нарса эмаслигини билиб қолишгач, дарғазаб бўлган янкилар Эдгар Пони ҳатто дўппосламоқчи ҳам бўлишган эди. Орадан 80 йил ўтгач, бу ҳазил чинга чиқди. Англиянинг Р-34 дирижабли Антлантика океани устидан учиб ўтди.

1 апрель

УЙҒОНИШ УМИДИ

"Цивилизациянинг тамал тошини қўйган миллатмиз!" дейди ёзувчи Назар Эшонқул.

— Мен ҳеч қачон Миср эҳромларини туркий халқлар қурган, космосга биринчи бўлиб туркий халқлар чиққан, дея олмайман. Бундай десам фақат ғалатигина эмас, балки ғирт ёлғон бўлади. Аммо, масалан, Рим ва Италиядаги кўплаб шаҳарларни барпо қилган, Рим ва Ромул афсонасини Италияга қолдирган этрусклар (турсаклар) туркий халқлар эди. "Илиада" ва "Одессея"да туркий бахшичиликнинг таъсири бор, деган фаразга қўшиламан. Чунки бу фаразларни қўллайдиган асослар ва мутахассислар бор.

15 апрель

Бу — қизиқ

Газетада давомли равишда эълон этилган биринчи адабий асар машҳур инглиз ёзувчиси Даниэль Дефонинг "Робинзон Крузонинг бошидан кечирганлари" романи эди. Асарнинг биринчи ўқувчилари 1719 йилнинг 7 октябридан Робинзон саргузаштларини зўр қизиқиш билан кузатиб бордилар.

13 май

Таклиф

АЖРАЛИБ ТУРСА

"Тошшаҳарйўловчитранс"нинг масъул ходимларига бир таклифимиз бор эди. Паттачи (кондуктор)ларга махсус иш либоси кийдиришнинг иложи бордир. Ахир паттачи дегани йўловчилар ичида ажралиб туриши керак-да. Йўқса, ногаҳон ёнингизда турган йўловчи "Қани, йўл ҳаққини тўлаб қўйинг-чи!" дегандай таассурот қолдиради.

Ўқияпмиз
Э. ҚУРБОНОВ

"ҲОЛВА" ДЕГАН БИЛАН...

... Институтда ўқиб юрган кезларим фалсафа ўқитувчимиз айтгувчи эди: "Сиз менга "умуман товуқ" ёки "умуман хўроз"ни топиб беринг, мен ҳеч қандай таянч нуқтасиз ҳам ерни ўз ўрнидан қўзғатаман".

Дарҳақиқат, бу дунёда товуқ бор, лекин "умуман товуқ" йўқ. Бу — оддий аксиома. Аммо "умуман олганда" деган сўз бирикмаси адабий танқидчилик чиқишларидан газета-журналлар саҳифаларида эълон қилинаётган турли-туман мақолаларга кўчиб, шу даражада урчиб ҳам кетдики, алал-оқибат "умуман мақолалар"нинг сон-саноқсиз намуналари пайдо бўлди.

27 май

СИТОРА
тайёрлади

Шахс

Фрейд изланишларига илтифот бегона, шунинг учун ҳам улар одам ҳаётини заррача енгиллаштирмайди.
С.ЦВЕЙГ

ЗИГМУНД

Ақлу заковат қанча қудратли ва топқир бўлмасин, улар ўзига таянчли мададни мудом ботиний-руҳий оламдан излаган. Валек ботиний-руҳий олам дуч келган ақлу заковатга ўз сирини очавермаган, балки, аксинча, у инсон тафаккурини мудом мунофий ва беадад изланишларга, ечими йўқ муаммоларга дучор этган. Шу боисдан инсон қалби ҳамон сирга тўла, ўйи эса ҳамон безовта.

С. Цвейг буюк заминдоши ва замондоши Зигмунд Фрейдни Месмернинг издоши деб билади. Фрейд инсониятни кўпроқ онгли ва билимли қилди, у кишиларни ўзининг ботиний-руҳий оламига чуқурроқ назар ташлашга ўргатди, минг ваҳки, булар билан у инсонни некбахт қилолмади. Фрейд мисолида кишилик бир нарсани англаб етди, бу ҳам аслида даргумон қалбидаги, руҳидаги сирни очиш унга ҳеч қачон бахт келтирмайди. С. Цвейг ёзади: "Илмфаннинг вазифаси инсоннинг боқий қалбини янги-янги тилаклар билан авраш да эмас, балки уни ерда бошини кўтариб, тик юришга ўргатишдадир... Фрейд ҳеч қачон инсониятга жаннатий, роҳат-фароғатли ҳаётни ваъда қилмади, балки уни ботинини англашдек сержатар йўлга бошлади".

Зигмунд Фрейд 1856 йили 6 майда Австрия-Венгрия империясига қарашли Фрейбург шаҳрида жун сотувчи оиласида дунёга келади. Ёшлигидаёқ унда ўзига ишонч ва интилишида собит туриш фазилатлари шаклланади. Гимназияни тугатгач, Вена университетининг медицина факультетига ўқишга киради ва 25 ёшида докторлик диссертациясини ёқлайди. Ўз икрорига кўра, уни врач бўлиш ва бу соҳада бирор мавқега эришиш ҳеч қачон қизиқтирмаган, унинг қалби кишилараро муносабатларни ўрганишга мойил эди. Университетда қолган ёш олим психатрия бўйича изланишлар олиб боради, лекин тез орада амалий тажриба етишмаслигини сезади. У Париж Шарко клиникасига малака оширишга боради ва у ердан психотерапия билан шуғулланиш аҳди билан қайтади. Фрейд ташқи сурати ва турмуш тарзида бошқалардан ажралиб туришга интилмайди, балки, аксинча, умр бўйи бир маромда ҳаёт кечиради. Ҳафтада бир марта университетда ўқийдиган маърузасини ва яна бир куни яқинлари билан карта ўйнашини ҳисобга олмаганда деярли қирқ йил у бир ҳовлидан чиқмай, эртаю кеч беморларни қабул қилиш, кузатувларини жамлаб, мақолалар ва китоблар ёзиш билан банд яшайди. Ёзувчининг эътирофига кўра, Фрейд ҳаётида бадиий асарга мавзу бўлгудек бирорта ҳам ҳодиса йўқ, гўёки у ҳеч қачон бирорта аёлни севмаган, бирор мавқе учун талашмаган, бирор саргузаштни бошидан кечирмаган. У диққатини бузадиган важлардан узоқ бўлган, ҳаёт завқ-шавқларини зийрак изланишларига фидо қилган. Ҳаётга зийрак қараш унинг шиори эди. "У даҳоликни эмас, зийракликни севарди; у ғайраклик даҳосидир". Ҳар бир асари узоқ синовлар, тажрибалар ва зийрак иккиланишларининг маҳсули, шу боис асарларининг ифода тили қуруқ, беҳис, аммо унинг тагида "аниқ образ яратишга қодир бадиий куч-қудрат яширинган".

Тасодифий бир ҳол баъзан кишининг ҳаёти ва ўйу хаёлларини ўзгартириб юбориши мумкин, у мутлақ кутилмаган ҳол бўлмай киши дилидаги яширин бир иқдга муштарақдир. Шундай Фрейдга ҳамкасби Иозеф Брейер тавсия қилади. Унинг хабар беришича, тутқаноғи бор бир сабиҳни даволаётганида ноодатий ўзгаришни кузатган. Бемор ўзи ҳақида гапирганида бир оз енгил тортар, аммо ниманидир тасриҳ — очиқ айтишга журъат қилолмаётган экан. Брейер гипноздан фойдаланади ва аниқлайдики, тўшакда бетоб ётган отасига қараганида қизда илк шаҳватий майл уйғонган; ушбу ҳолни эслаши билан унда асабийликдан асар ҳам қолмаган. Брейер ва Фрейд бу борада махсус кузатишлар олиб боради ва 1893-1895 йилларда ўз назарларини тафсил қилишади. Кейинчалик Брейер беморларни даволашга берилиб кетади, Фрейд эса ўз олдига қатор саволлар қўяди. Майл, ҳис-туйғу қаерга яширинади? Уларни яширишга, бостиришга кишини нима мажбур қилади? Нима учун бир хил фикрлар кишиларга ҳар хил даражада таъсир қилади? Шахсиятга оид сўзлар ва танқидларнинг дарров ҳимояга ундаши рўй беради? Киши хатти-ҳаракатларининг барчаси ҳам онг таъсири, маҳсулими? Асабийлик ташқисими?..

Онгсизликнинг мавжудлиги қадимдан маълум, лекин унда онгсизлик онгсизликдан фарқ қилувчи руҳий ҳодиса эмас, балки у онглилик доирасидагина мавжуддир деб қаралган. Худди шунингдек, онгсизликка нофаол, бефойда, жонли ҳаётдан узоқ, ўтмишга тааллуқли, онгли ҳаётга ҳеч қандай алоқаси йўқ воқелик сифатида қараш руҳшунослар ўртасида кенг тарқалган эди. Фрейд уларга таассубона эргашмайди, балки, аксинча, ҳатто даҳриёна хулоса чиқаради — онгсизлик руҳий кечинма ва ҳаракатларнинг бошланғич нуқтаси, субстанцияси. У ўта оз миқдорда бўлсада, онгсизликка ўтиб, фаол субстанция сифатида хатти-ҳаракатларга таъсир кўрсатади. Киши ҳаётида, руҳида рўй берган бир воқеа, ҳодиса, кечинмалар беиз кетмайди, улар онг ости (онгсизлик)да сақланиб, муҳрланиб қолади. Вақти-вақти билан онгли ҳаракатларнинг йўналишларини, шиддатини белгилаб туради. Қабул қилинадиган тасодифий қарорларда, ҳаётий мақсадни бошқа томонга буриб юборадиган сабабларда онг остидаги туйғулар, инстинктлар таъсири яширинган. Онгимиз тубида ота-боболаримиз ҳаёти ва кечинмалари, ҳатто ибтидоий аждодларимизнинг ибтидоий майл-истаклари яшайди, улар гоҳо энг маданиятли, онгли кишини ҳам ўз кетидан эргаштириб кетиши мумкин. Фақат ижтимоий кучга айланган, кишилар ҳаётини бошқаришга қодир маданият, анъана ва онг уларни ғазофона, бадқор куч сифатида ўзини намоён этишдан ушлаб туради. Шунинг учун "руҳий-маънавий ҳаёт онг билан онгсизлик, иродаларнинг масъулияти билан инстинктларнинг масъулиятсизлиги ўртасида ҳеч қачон ниҳоясига етмайдиган доимий ва шиддатли курашдан иборат". Аммо инсон бу курашнинг нофаол кузатувчиси эмас. Демак, онгсизлик мутлақ, бедаво телбалик даражасидаги онгсизлик эмас, уни бошқариш, белгиланган мақсадга йўналтириш, унга моҳият, мазмун бағишлаш инсон измидадир. Фрейд психологияси ҳам онгсизликни бошқариш орқали инсонни руҳий, маънавий, жисмоний таназзулдан қутқариб қолишга, даволашга қаратилган.

Онг ости ҳис-туйғуларининг киши хатти-ҳаракатларига таъсири ҳар қадамда учрайди. Сиртдан қараганда хушхулқ, алодатпарвар, мулойим ва покдил кишини ноодатий вазиятга тушганида ёки бирор лавозимга кўтарилганида кузатинг: у дарров бошқа кишига айланади, унда такаббурлик, калондимоғлик, ўз фикрини ягона ҳақиқат деб билиш, ҳатто сангдиллик пайдо бўлади. Уни вазият ёки мавқе эмас, узоқ йиллар онги тубида яшириниб ётган, энди рўёбга чиқиш имконига эга бўлган фикрлар ўзгартиради. Шунинг учун кишининг аслида кимлигини унинг алфозлари, қасами ва ёзганларига қараб эмас, балки янги вазиятдаги сийратига, ногоҳон айтган сўзига қараб аниқлаш мумкин. Киши ҳеч қачон ўзининг аслида кимлигини янги вазиятдагидек ёки ногоҳон билдирган сўзларидек ошкор этмайди. Нима учун Гитлернинг Фрейд билан учрашишдан қочганининг боиси энди аён. Умуман бирорта ҳам ҳукмдор психоаналитикни ўзига яқинлаштирмагани тадқиқотчилар учун ажойиб мавзудир...

Онгсизлик (онг ости) ўзига хос дунё. Унинг ўзига хос тили, усуллари, воситалари мавжуд. Фрейд уларни ҳаётдан, кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, сўзлари, турмуш-тарзи, тасаввурлари, тушидан қидиришга тушади.

"Туш одамнинг бостирилган туйғулари, кечинмалари орасидаги кўприкдир; унда бедорлигимизда иқрор бўлмаган нарсаларни тан оламиз. Ҳеч бир туш беъмани эмас, унинг ҳар бири ўз маъносига эга." Катта кишилар тушида ушбу хоҳиш ва истаклар ақлу идрок билан жиловланган; улар фақат гўдак тушида тўла, соф намоён бўлади. Туш кишига бедорликда рўёбга чиқаролмаган мақсадларига эришиш, яъни маънавий мувозанатни сақлаш учун зарур. Шу тариқа киши бедорликда ҳам қилолмаган муаммоларни тушида ечади, бедорликда ҳавас қилган важига тушида эришади, бедорликда айтолмаган дардини, сирларини тушида ошкор этади ва бедорликда зулм қилган рақибидан тушида ўч олади, хуллас, киши туши орқали кундалик ҳаёт рўпара қилган муаммолар ва изтироблардан холос бўлади. "Туш — сароб, бедорлик эвазига берилган ҳаётдир, — деб ёзади С. Цвейг. — У бизни ҳаракатлардан холос этади". Агар киши бедорликда рўпара келган муаммоларни ҳеч бўлмаганида тушида ҳал этмаганида, у чексиз ғамташвишлардан бедаво руҳий хасталикка мубтало қоларди. Айрим шахс кундалик изтироблар ва муаммолардан туши орқали халос бўлганидек, халқлар ҳам тушга монанд афсоналари ва динлари орқали ташқи олам ташвишларидан руҳини вақтинча халос этади.

Фрейд тушни астрологлар панжасидан озод қилди, тушни илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганишга йўл очди. У туш туйғу-кечинмаларнинг онг остидан чиқиб руҳий воқеликка айланишига имкон беради, деган илмий хулосага келди. Шу тариқа у тушларнинг ўзига хос тили, ифода усуллари, у ёки бу даражада намоён бўлиш хусусиятлари борлигини очиб берди. Лекин туш ҳаёт ўрнини босолмайди; ким ҳаётини туш билса, у ғайриҳаётий тасаввурлар ва ўйларга ўз умрини қурбон қилади. Аслида ақлу идрок инсонга бедорлик билан туш, ҳаёт билан хаёл ўртасидаги фарқни ажратиб яшаш учун берилган.

Бостирилган, онг остига яширинган истак, майл ва орзулар ичида онг асосийси бўлиши даркор, деган ўй Фрейдни жинсий эҳтиёжларни ўрганишга етаклайди. Натижада у фалсафа, ахлоқ, цивилизация рад қилган фикрга келади: "Асабийлик ички ва ташқи кучлар таъсири боис ўзини рўёбга чиқаролмаган эротик эҳтиёжлардан туғилади". Одам учун овқатланиш қандай табиий эҳтиёж бўлса, жинсий майлини, истагини қондириш ҳам шундай эҳтиёждир. Овқатланиш эҳтиёжини қондириш учун киши қандай амалларга, муғомбирлик, зўравонлик ва ваҳшийликка борса, эротик эҳтиёжини қондириш учун ҳам у

Дараклар

ГАЗ НАРХИ НЕГА ОШИРИЛДИ?

Россия ва Қозоғистон раҳбарлари қозоқ гази нархини бозор баҳосига етказишга келишиб олдилар, деб ёзади «Коммерсант» газетаси. Россиянинг "Газпром" компанияси Қозоғистондан харид қилаётган газ баҳосини қарийб уч бараварга оширган ва энди минг куб/метр газ баҳоси 140 долларга етган.

Россия тарафи мазкур харажатни қоплаш учун Украинага сотиладиган газ баҳосини кўтаришни режалаштирмоқда. Украинага сотилаётган ҳар минг куб/метр газ бундан кейин қўшимча қиймат солиғи ва транспорт харажатларисиз 130 долларни ташкил этади.

"Коммерсант"нинг ёзишича, Москва ва Остона Россия томонининг Қозоғистон чегарасидан ҳар минг куб/метр қозоқ гази учун 47-50 доллардан 138-140 долларга қадар пул тўлашига келишган. Ўтган йили Қозоғистонда 14 млрд. куб/метрдан зиёд газ қазиб олинган. Шундан 8 млрд. куб/метри Россияга сотилган. Янги баҳодаги газ Россия хазинасига йилига 700 млн доллар қимматга тушар экан.

Экспертлар Москванинг бу ҳаракатини Остона билан муносабатларни бузиб қўймаслик учун қилинган деб ҳисоблашади. Расмий Остона кейинги вақтларда бир қанча жиддий баёнотлар билан чиққан эди. Май ойи бошида Қозоғистон энергетика ва минерал ресурслар вазири Европа Иттифоқи энергокомиссари билан учрашувда Қозоғистоннинг Россия иштирокисиз Туркия орқали Ғарбий Европага транскаспий газ қувури барпо этишга тайёр экани ва 2015 йилга келиб 20 млрд. куб/метр газ етказиб бериши мумкинлигини маълум қилганди. Воқеаларнинг бундай ривожланиши Россия манфаатларига зид келишидан хавотирланган расмий Москва қозоқларнинг шартига кўнишга мажбур бўлган кўринади.

ИСРОИЛ АҲМАДИ НАЖОТНИ СУДГА БЕРМОҚЧИ

Исроил ҳукумати Эрон раҳбари Маҳмуд Аҳмади Нажотни геноцид чақириғи ва инсониятга қарши жиноят қилганлик айби билан Ҳаагадаги ҳарбий судга тортишга эришмоқчи, деб хабар беради «Интерфакс».

Мутахассисларнинг айтишича, халқаро тергов ўтказишга Эрон раҳбарининг Исроил давлат сифатида дунё харитасида бўлишга ҳақли эмас ва уни ер юзидан ўчириб ташлаш керак, деган баёноти сабаб бўлиши мумкин.

Исроилда мазкур муаммо устида бир ойдан бери иш олиб бориляпти. Бунинг учун бир неча халқаро ҳуқуқшунослар жалб этилган. «Yedioth Ahronot» газетасига кўра, Эрон президентига нисбатан айблов хулосалари аллақачон тахт қилиб қўйилган. Тель-Авив Аҳмади Нажотнинг айтганларини 1948 йилдаги халқаро конвенция меъёрларига зид, ирқий ва диний эътиқодига кўра халқларни қирғин қилишга чақириқ, деб иддао қилади.

2005 йилнинг кузида Эрон президенти "Сионизмсиз дунё" конференциясидаги чиқишида «Имом Ҳумайний таъкидлаганидек, сионистлик режими дунё харитасидан ўчирилмоғи лозим ва Аллоҳнинг марҳамати билан дунё яқин орада АҚШ ва Исроилсиз яшайди», — деб баёнот берганди. «Сионистлик режими ислом дунёсига қарши кураш учун ташкил этилган эди. Босиб олинган ерлардаги тўқнашувлар муқаррар урушнинг бир қисмидир. Юз йиллардан бери давом этаётган уруш Фаластин давлатини барпо этиш билан якун топади», — дея эътироф этганди конференцияда Эрон раҳбари.

АҚШ: ҚОЧҚИНЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Пентагон маъмурлари мазкур ҳолатда нима қилишни билмай бошлари қотган. АҚШ армиясидан ҳарбийларнинг қочиши оммавий тус ола бошлаган.

Кейинги пайтда Америка жамоатчилиги Буш маъмуриятининг Афғонистон ва Ироқда уруш ботқоғига ботиб қолаётганини қаттиқ танқид қилиб келмоқда. Олиб борилаётган урушларнинг мантиқсизлиги, можароларни ҳал этиш масаласида бирозгина бўлса-да, олдинги силжиш йўқлиги ва бунинг устига, минтақадаги хавф-хатарнинг тобора ортиб бораётгани америкалик ҳарбийларнинг мазкур "қайноқ нуқталарда" хизмат ўташдан бош тортиш ҳолларини оширмоқда.

Бундан сал аввал АҚШ матбуотида 2003-2005-йилларда АҚШ армиясидаги дезертирлик ҳолатлари эълон қилинган эди. «USA Today» газетаси маълумотларига қараганда, ана шу муддат орасида саккиз мингдан зиёдроқ ҳарбий хизматдан бош тортган ёки буткул қочиб кетган.

2006 йил ҳам Пентагон учун айтарли қувончли келгани йўқ, дейилади газета маълумотида. Америка қуролли кучлари зобитларининг эътироф этишича, йил бошидан бери Ироқда хизмат ўтаётган ҳарбийлардан таътил ёки даволанишда бўлган 70 киши хизмат жойига қайтиб бормаган. 50 аскар ва сержант дезертир деб эълон қилинган.

Бундан ташқари, Ироқ уруши бошланганидан буён Пентагон хизматга чақирувчилар сонини режадаги миқдорга етказа олмай жони ҳалак. АҚШда мудофаа вазирлиги ташкил этган "ҳарбий ёллаш марказлари" ўлибтирилишига қарамай, режани 70 фоиздан ошира олмаяпти. АҚШ мудофаа вазирлиги вазиятдан чиқиш учун армия хизматга олиш талабларини енгиллаштириб ҳам кўрди. Жисмоний камчилиги бор шахсларнинг ҳам хизматга чақирилиши катта шов-шувларга сабаб бўлди.

АҚШ армиясида хизмат қилаётган хорижликларнинг фуқаролик олишида имтиёзлар яратилди. Бироқ вазиятни ўнглаш учун бу чоралар катта ёрдам берди, деб бўлмайди. Армиядан қочиш ҳоллари камаймаяпти ҳам, хизматга иштиёқ билдираётганлар сони ортмаяпти ҳам.

Америка ва дунё матбуоти таҳлилларига кўра, АҚШ ҳарбий қўмондонлиги боши берк кўчага кириб қолган кўринади. Матбуот саҳифаларида тез-тез "Вьетнам уруши" ибораси пайдо бўла бошлади. Америка тарихидаги аянчли саҳифа бўлган мазкур уруш пайтида ҳам ҳарбийлар орасида парокандалик бошланган, қўшинлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб хизмат жойларини тарк этган. Ўшанда расмий маълумотларда 30 минг ҳарбий дезертир бўлгани айтилса-да, норасмий маълумотларга кўра 50 мингдан ортиқ аскар хизматдан бўйини товлаган ёки армиядан бутунлай қочиб кетган.

Ҳойнаҳой, тарих қайтарилаётган кўринади...

ИТАЛИЯ: ЯНГИ ҲУКУМАТ ИШ БОШЛАДИ

Италия бош вазири Романо Проди янги ҳукумат таркибини мамлакат президенти Жоржо Наполитанога тақдим қилди. Кеча ҳукуматнинг янги таркиби парламент олдида қасамёд қабул қилди ва ўзининг биринчи мажлисига йиғилди.

Эслатиб ўтамиз, Италияда 9-10 апрель кунлари парламент палаталарига сайлов ўтган ва унда Романо Проди раҳбарлигидаги сўл-марказчилар ғалаба қозонган. Сильвио Берлускони сайловни қайта ўтказиш ёки натижаларни бекор қилишга анча уринди. Италия Олий суди сайлов натижаларини тасдиқлаганидан кейингина мағлубиятини тан олди.

Жазо

Гиёҳвандлик инсон соғлиги ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, жамиятнинг иқтисодий ва маданий негизига салбий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-276-моддаларида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар кўрсатилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари томонидан жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бир қанча ишлар олиб борилаётганига қарамай таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган ўсимликларни экиш, мамлакатимиз ҳудуди орқали катта миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини олиб ўтишга ҳаракат қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Гиёҳвандлик оқибатида оғир жиноятлар содир этилмоқда, оилалар барбод бўлмоқда, гиёҳвандлик касаллигига йўлиққан шахслар сони ошмоқда.

ГИЁҲВАНДЛИК

У нафақат "истеъмолчи", балки бутун жамият учун хавфли воситадир



Самарқанд вилояти, Жомбой туманида яшовчи фуқаро Ш. Қаҳоров уйида 2 килограмм "героин" гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадида сақлаб келиб, 2005 йил апрель ойи бошларида бир килограмм "героин" гиёҳвандлик воситасини Навоий вилояти Хатирчи туманида яшовчи таниши В. Ўраловга сотиб бериши учун берган. В. Ўролов 2005 йил 3 май куни ушбу гиёҳвандлик воситасини фуқаро Д. Юсуповга сотмоқчи бўлганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган. 2005 йил 4 май куни Ш. Қаҳоровнинг хонадонида тинтув ўтказилганда, меҳмонхонадаги сандиқ ичида чинни идишлар орасида 982,4 грамм "героин" гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадида сақлаб келаётганлиги аниқланган ва жиноятчилар ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноятларини охирига етказа олмаганлар.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 2005 йил 9 сентябридаги ҳукмига кўра Ш. Қаҳоров Ўзбекистон Республикаси ЖК 25, 273-моддасининг 5-қисми билан 14 йилга, В. Ўролов эса ушбу модда билан 12 йилга озодликдан марҳум қилинди.

Кейинги йилларда аёллар томонидан ҳам гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини содир этиш ҳолатлари кўпаяётганлиги ачинарли ҳолдир. Масалан, Навоий вилояти Кармана шаҳрида яшовчи Н. Жабборова муқаддам икки марта гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини содир этганлиги учун судланган бўлиб, биринчи марта содир этган жинояти учун амнистия актига кўра жазодан озод қилиниб, иккинчи марта содир этган жинояти шартли ҳукм қилиниб, синов муддати давомида яна қасддан жиноят содир этган, яъни 2005 йил 27 сентябрь куни Н. Жабборова уйида келгусида сотиш мақсадида сақлаб келган "героин" гиёҳвандлик воситасидан 0,9 граммини фуқаро Д. Сапаровага 50 000 сўмга сотган, шунингдек, унинг уйидан 60,7 грамм "героин" гиёҳвандлик воситасини далилий ашё тариқасида олинган. Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 2005 йил 7 ноябрдаги ҳукми билан Н. Жабборова ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан айбли деб топилиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Ушбу ҳолатларда кўп миқдордаги "героин" гиёҳвандлик воситасининг тарқалиши, қанчадан-қанча одамлар заҳарланишининг олди олинган бўлса-да, судланувчиларнинг қилмишлари оқибатида уларнинг оилалари, фарзандлари ҳам маънавий, ҳам моддий томондан азият чекдилар. Шунингдек, гиёҳвандлик оқибатида фуқаролар нафақат жамиятга, балки ўзларига ҳам зарар етказмоқдалар, айрим ҳолатларда эса уларнинг ўлими билан якун топмоқда.

Т. Рўзиев муқаддам судланган бўлиб, тузалиш ўрнига "героин"ни уйида махсус анжомлар ёрдамида тайёрлаб, сақлаб келиб, шприц орқали ўзи ва фуқаролар — Е. Коншу, Х. Исмоилов, Ж. Орзиев ва Б. Тошпўлатовнинг истеъмол қилишига шароит яратиб берган. Х. Исмоилов 2005 йил 30 май куни унинг уйига "героин" истеъмол қилиш учун келади. Тайёрланган "героин" моддаси икки кишига камлик қилади. Яна улар биргаликда Навоий шаҳар темир йўл вокзали ҳудудида яшовчи шахсдан 3 та чек "героин" сотиб олиб, Кармана тумани, "Нарпай" ш/х, Чутқара қишлоғи томонга олиб борувчи асфальт йўлнинг хилват жойида томирларига укол қилади. Натижада Х. Исмоилов ҳушидан кетиб оғир аҳволга тушиб қолади. Т. Рўзиев оғир аҳволда қолган Х. Исмоиловни ёлғиз қолдириб, унга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмасдан, воқеа жойидан кетиб қолган. Ана шунинг натижасида Х. Исмоилов воқеа жойида вафот этади.

Т. Рўзиев жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг 2005 йил 25 октябрдаги ҳукмига кўра ЖК 273-моддасининг 4-қисми, 117-моддасининг 2-қисми, 241-моддасининг 1-қисми билан 13 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Судлар томонидан гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилган жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш ва ана шу асосда қонуний хусусий ажримлар чиқариш йўли билан муносабат билдириш билан биргаликда тегишли давлат идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ҳамкорлигида ташкилотлар, ўқув юртлари, маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан маърузалар қилиняпти, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Маҳфират ШОДИЕВА,
Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг судьяси

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълум: жамиятда демократик қадриятлар қарор топиши, қонун устиворлигига эришиш, фуқаролик жамияти асосларини яратишда нодавлат нотижорат ташкилотлари жуда муҳим ўрин тутади. Катта илмий давраларда аллақачон жамият ҳаётининг муҳим таркибий қисми сифатида учинчи сектор (Изоҳ: биринчи сектор — давлат ихтиёридаги муассасалар, иккинчи сектор — жамиятдаги тижорат қатлами) деб номланаётган ННТлар ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий ва ҳам маданий жабҳада тараққиёт учун катта ишларни амалга оширади.

УЧИНЧИ СЕКТОР

Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳуқуқий демократик давлат қуришда қандай ўрин тутади?

Аслида нодавлат нотижорат ташкилотлари тузишда реал иқтисодий манфаат, фойда кўзланмайди, чунки уларда маҳсулот, янги товар намуналари ишлаб чиқарилмайди. Лекин истиқбол йўлида ишлайдиган ушбу муассасалар фаол ижтимоий ҳаракат дастурларини амалга оширадики, бу мамлакат тараққиёти учун муҳим ҳаётий заруратдир.

ННТлар жамият ҳаётида, хусусан, демократик давлат қуриш жараёнида нечоғли муҳим ўрин тутишини ривожланган Ғарб мамлакатлари мисолида кўриш мумкин.

АҚШда 2000 йил ҳолатига кўра, 1 миллион 140 минг ННТ фаолият олиб борган. Бу бутун дунё миқёсидаги энг катта кўрсаткичдир. Қўшма Штатларда нодавлат нотижорат ташкилотлари тузила бошлаган илк даврларданоқ фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш дастурларига асосий эътибор қаратилди. Шу тариқа «океан орти» давлатида ННТлар ҳукуматдан фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий муҳофаза борасидаги вазифаларни босқичма-босқич ўз зиммасига олди. Айни пайтда ҳам АҚШдаги ННТлар мазкур икки йўналишда етакчи мавқе эгаллаб келмоқда.

Буюк Британияда 2000-2001-йиллар ҳолати бўйича 250 мингдан ошиқ ННТлар фаолият юритган. Ривожланиш хусусиятлари кўп масалаларда АҚШга мувофиқ келадиган Буюк Британияда ҳам нодавлат нотижорат муассасалар биринчи навбатда худди Қўшма Штатлардаги каби ижтимоий ҳимоя дастурлари ва фуқаролик ҳуқуқлари борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратди. Пировардида, ҳукумат бу борадаги амалий ҳаракат дастурларини ННТларга ишониб топширди.

Францияда ННТлар иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этгани кузатилди. Мамлакат Иккинчи жаҳон урушини катта йўқотишлар билан якунлади: иқтисодиёт бутунлай издан чиқди, ишсизлик, қашшоқлик даражаси ошиб кетди. Ана шундай мураккаб даврда нодавлат нотижорат ташкилотлар мамлакатда қашшоқликни тугатиш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича ташаббус дастурлари билан чиқди ва бу борада ҳукуматга катта амалий ёрдам берди.

Ўтган охирги йилда 65 мингдан ошиқ ННТ фаолият юритган Германияда ҳам мазкур муассасалар Франциядаги каби иқтисодий тараққиёт дастурларида фаол қатнашди. Кўпгина мутахассислар Германиянинг ҳозирги ривожланиш даражасига етишида ННТлар ҳам улкан ҳисса қўшганини таъкидлашади.

Дунёнинг демократик қадриятлар қарор топган давлатларидан бири сифатида эътироф этиладиган Швецияда ҳам ННТлар иқтисодий-сиёсий жараёнлар ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки билан ажралиб туради. Скандинавия мамлакатида ННТлар инсон ҳуқуқлари, хусусан, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш борасида кўплаб ижтимоий дастурларни амалга оширди. Ана шу ҳаракатлар самараси ўлароқ, Швеция айни пайтда дунёдаги оммавий ахборот воситалари эркинлиги нисбатан яхши таъминланган саноқли давлатлардан бири саналади.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда жамият ҳаётининг турли йўналишларида фаолият юритувчи кўплаб ННТлар ташкил этилди. Рақамларга эътибор қаратсак, 1999 йилда мамлакатимизда 469 та ННТ иш олиб борган эди. Ўтган йиллар мобайнида эса улар сони беш баравардан ҳам ошиб кетди. Ҳозирда юртимизда 2500 дан зиёд рўйхатдан ўтган нодавлат ташкилотлар иш олиб бормоқда. Уларнинг фаолият йўналиши ва кўлами кенг. Таълим, маданият, тиббиёт, ижтимоий хизмат каби йўналишлардаги ННТлар профессионал уюшмалар, маданият ва ахборот-ўқув марказлари, жамғармалар, клублар, ижтимоий бирлашмалар шаклида фаолият олиб бормоқда.

Умуман, охирги йилларда мамлакатимиз ҳаётида учинчи сектор ўрни ва роли ошганини кузатиш мумкин. Буни нодавлат муассасалари сони тобора ошиб бораётгани ва улар мамлакат ҳукумати томонидан олиб борилаётган кенг қамровли тараққиёт дастурларида фаол иштирок этишга уринаётгани, иқтисодий-сиёсий ислоҳотларда жамият ҳаётининг ажралмас таркибий қисми сифатида амалий кўмак бераётганидан ҳам билиш мумкин.

Аслида аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ННТларнинг асосий мақсад-вазифаларига кирмайди. Лекин шунга қарамай, дунё миқёсида ҳам, юртимизда ҳам учинчи секторда банд аҳоли сони ошиб бораётгани кузатилмоқда.

Жон Хопкинс номидаги институт таҳлилларига қараганда, АҚШда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида банд аҳоли сони 10 миллиондан ошади (бу эса иш билан банд қатламнинг 6,9 фоизи демакдир). Нотижорат ташкилотлар фаолиятида кўнгилли равишда иш олиб борганлар сони эса 93 миллион (иш билан банд аҳолининг 48,8 фоизи) дан ошади. Кўриниб турибдики, учинчи сектор фуқароларни иш билан таъмин этиш борасида ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Хўш, бу борада юртимизда вазият қандай?

Ўзбекистондаги 131 та нодавлат ташкилоти иштирокида ўтказилган тадқиқот натижаларига қараганда, ўтган ўн йил ичида улар томонидан 39506 та янги иш ўрни яратилган, 41795 нафар мутахассис малака ошириш курсларини тамомлаган. Шунингдек, 131 ННТ кўмаги билан мамлакатимизда 53942 киши иш билан таъминланган. Ана шу рақамлардан ҳам билиш мумкинки, учинчи секторнинг жамият ҳаётида ўрни тобора ошиб бормоқда.

МУХБИРИМИЗ

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кумагида тайёрланди. Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳолн ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".

ФРЕЙД

шундай амалларга тайёрдир. Бироқ ушбу эҳтиёжларнинг қондирилиши ўртасида фарқ мавжуд; овқатланиш ўзининг қуйи кўринишида кишини ахлатхоналарни титиб яшашга (О. Мандельштам) мажбур қилса, эротик эҳтиёж кишини ахлоқий таназзулга етаклаши (де Сад) ёки ижод соҳасида ўйу хаёлларини ғайритабиий тасвирлаб асарлар яратишга ундаши (С. Дали) мумкин. Демак, эротик эҳтиёжни қондириш ҳар доим ҳам аёлга ёки эркакка бориб тақалавермайди, у хаёлларга бой дин, афсона ва бадиий ижод орқали ҳам ўзини намоён қилишга йўл қидиради.

Вояга етган йигит (қиз)даги жинсий алоқага интилишни ҳеч ким инкор этмайди, уят санамайди, аммо ушбу эҳтиёжнинг илк кўриниши — ибтидоси бўлиши зарур. Уни Фрейд гўдакнинг хатти-ҳаракатларидан топади. Гўдак юриш имкони билан туғилса, у жинсий майлга ҳам шундай иштиёқ билан туғилади. Унинг дуч келган нарсани оғзига солиши ("орал секс"), онасининг кўкрагига жон-жаҳди билан ёпишиши (грудомания, лесбиянок), уят деган нарсани билмай ўз тана аъзоларини мароқ билан ўйнаши (эротик нарцизм) кабиларда Фрейд илк жинсий майлларни кўради. Гўдак билан ота ўртасида рақобат юзага келади, улар жинсий майлларининг объекти бир эканлигини инстинтив сезадилар. Ота гўдакнинг урфодатлар ва тартибларга сўзсиз итоат этишини талаб қилади, гўдак эса унга ишонқирамай, зўравон куч деб қарайди. Авлодлар ўртасидаги азалий зиддиятлар ҳам ана шу боисдандир. Тўғри, гўдакдаги жинсий майл, отасига салбий муносабат ҳали англанган эмас, аммо табиат унинг вужудига онаси орқали ўз истакларини қондириш ҳиссини жо этган. Фрейднинг машҳур "Эдип комплекси" шу тарзда юзага келган. Фрейд хулоса чиқаради: гўдакда инсоният ўз тараққиёти жараёнида босиб ўтган қон-қариндошлик жинсий алоқалари, зўравонлик, ваҳшийлик каби кўчманчи ҳаётга хос белгилар, яъни кишилик жамияти ўз бошидан кечирган босқичлар излари мужассам. "Барчамизнинг қонимизда яширин ва англанмаган ибтидоий инстинктлар яшайди, ҳеч қандай маданият ушбу инстинктларнинг ногоҳон намоён бўлишидан кишини муҳофаза қилолмайди; онгсизлик тубида кўчманчи, ахлоқий тушунчалардан узоқ ибтидоий даврларга хос инстинктлари мавж уради. Биз онгли саъйларимиз билан ушбу инстинктлардан қутулишга қанча ҳаракат қилмайлик, улардан ҳеч қачон тўла халос бўлолмаймиз, жуда нари борса, биз уларни маънавий ва ахлоқий қадриятлар яратиш томонга йўналтиришимиз мумкин, холос".

Инсонга ғайриҳаётий, порлоқ келажакни, баркамолликни ваъда қилаётган расмий илмий доиралар назарида, гўдак энг пок, безавол, фаришта мисол мавжудот. Наҳотки, ушбу беқусур вужудда ўз ўз волидасига нисбатан жинсий майл, отасига нисбатан важоҳат, ибтидоий ёввойилик, беҳаёлик, ахлоқсизлик мавжуд? Цивилизациянинг ибтидоий инстинктларга қарши курашиб келаётгани қаерда қолди?

Фрейд ҳеч қачон жинсий майлни якқаю ягона эҳтиёж деб қарамаган, балки у билан ёнма-ён кишида "мен"ини намоён қилиш (нарцисизм), важоҳат (садизм) ва ўлим (мазохизм) инстинктлари ҳам келишини қайд этади. Нарцисизм — инсоннинг биринчи табиати, садизм — нотабиий тарзда, куч билан, мазохизм эса объектни ўлдириш орқали ҳирсни қондиришдир. Бадиий ижод, сиёсат, эътиқод, ҳатто илм-фанга, спортга берилишда ҳам жинсий майлнинг қондирилиши кўзга ташланади. Демак, инсоннинг барча хатти-ҳаракатларида жинсий эҳтиёжни қондириш излари мавжуд. Кишининг қалби ва вужудида ушбу эҳтиёжни қондириш учун мудом инсоний билан ҳайвоний сифатлар ўртасида кураш кетади. Агар инсоний сифатлар устун келса, ҳайвоний сифатлар онг остига яшириниб, онг остида йиғилиб, руҳий, асабий касалликларга олиб келади. Мабодо, бемор ибтидоий сифатларини намоён этиш имконини топса, у руҳий хасталикдан қутулади. Ҳирсини реал даражада қондиролмай уни маданий-ижодий фаолият орқали қопламоқчи бўлган шахслар юқори ютуқларга эришган, бетакрор асарлар яратган. Бу ўринда бадиий ижоддан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ҳа, Фрейд руҳий, асабий хасталикни енгиш йўлини кўрсатиб берди, аммо у инсониятни ташвишлар, изтироблар, маънавий инқирозлардан халос қилиш йўлларини тополмади. Руҳий касалларни муолиж қанчалик бахтсиз билса, соғлар улардан кўп бахтиёр эмас. Хўш, энди ўзингиз хулоса қилинг, Фрейд кимларни кўпайтирди — соғ, аммо бебахтларними ёки хаста, аммо ўзини бахтиёр сезадиганларними? Жамият учун соғлар зарур, шубҳасиз, лекин шахснинг ўзи учун-чи? Бемор ўзининг бахтиёр ҳолатидан халос бўлишни истайдими? Онгсизликни биз ўзимиздаги онг билан ўлчаётганимиз йўқми, балки онгсизликнинг ўзи бизга номаълум ўлчовларда онглиликдир? Мутафаккир шахс руҳи, ботини билан банд бўлиб, инсоният қалбидаги ўз ҳаётидан мудом қониқмаслик, бесаранжомлик, ҳаловатсизлик боисларини изламади. Фрейд психоанализида С. Цвейг тўғри кўрсатганидек, "психосинтез етишмайди". Тўғри, умрининг охирларида у метафизик умумлашмаларга интилади. "Биз бундан кейин ҳам ишончу икрор билан таъкидлаймизки, — деб ёзади у, — инсоннинг ақлу заковати ҳаёт инстинктларига нисбатан ожиздир... аммо ушбу ожизликда ўзига хос нимадир бор. Ақлу заковатнинг овози ҳали баланд эмас, у ўзига кулоқ тутмагунларича тинчимайди, узлуксиз мағлуб бўлишига қарамай, у охир-натижада ўз ниятига етади. Айнан шунинг учун инсоният ақлу заковатга некбинлик билан қараши мумкин, бу эса кам эмас. Ақлу заковатнинг инстинктлар устидан ғолиб келишига ҳали эрта, лекин унинг манзили жуда узоқда эмас". Алҳаққи, донишварона сўзлар! Бироқ улар инсониятнинг беором қалбини умидга тўлдирадиган сўзлар эмас. Фрейд инсонни ўз "мен"ини англашга яқинлаштирди, инсоният учун айрим олган "мен"ни эмас, бутун "биз"ни халос этиш муҳим. Тўғри, "биз" "мен"дан бошланади, бироқ "мен" ҳали, тўла маънода, "биз" эмас, шу сабабли Фрейд психоанализи "мен"дан нарига ўтолмади. "У ҳар доим "мен" бўлиб қолади, — бу унинг сарҳадидир, — валек у ҳеч қачон дунёни англовчи таълимотга айланолмайди". Ҳар ҳолда "мен"ни дардлар ва изтироблардан халос этиш йўлини кўрсатиб бериш ҳам ақлу заковатнинг ибратли жиҳати эмасми?

З.Фрейд бадиий ижод билан шуғулланганида С. Цвейг каби инсон туйғукечинмаларини моҳирона тасвирлаган буюк ёзувчи, С. Цвейг эса илмий тадқиқотлар олиб борганида З. Фрейд каби шахс қалбидаги сирларни топишга йўл очган буюк ориф бўларди. Руҳий даъватларига мувофиқ улар бошқа-бошқа йўллардан юрдилар, валек З. Фрейд ва С. Цвейгни бир нарса ҳамдил қилиб туради — улар инсон онги ва қалбини мукаммал билган улуғ соҳибҳол эдилар.

Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори

Нигоҳ

«Жамият ва мен» танловига

ТЕМИР ЗАНГИ

... Менинг ҳам қонимда темир занги бор.
Абдулла ОРИПОВ

Кейинги пайтда шеършунослар орасида улуғ шоир шеъриятининг муваффақияти сирлари (яъни шоир маҳорати)ни таҳлил қилишга мойиллик кучаймоқда. Бу ҳолни илмнинг бир қадам олға силжиши деб тушунмоқ керак. Негаки, ҳозиргача кўплаб тадқиқотларда масаланинг ташқи томони (мавзу, мусиқийлик, халққа яқинлик, анъанавийлик сингари)га эътибор қаратилган бўлса, эндиликда шоир қўллаган усуллар, у яратган тимсоллар, бадиий кашфиётлар ҳақида кўпроқ гап бўлаяпти: энди қофия жарангидан туғилган завқ чинакам заргарона чашнагирлик билан алмашмоқда — моҳиятга назар ташланаётир. Шоирнинг эсда қолган мисралари, фавқулодда закийлик билан ижод этилган метафоралар ҳақида мақолалар, китоблар пайдо бўлди.

Жумладан, «Менинг ҳам қонимда темир занги бор» мисраси нимани ифодалайди? «Арманистон» (1967) шеърининг ёзилиш сабаби мухлисларга маълум. Шоир қардош халқ тарихи билан ўз халқи тарихининг ҳамоҳанглигини қайд этиш мавриди келганда шу мисрани қўллайди. Демак, темир занги, бу — қилич ёки болта билан кесилган бошларга ишора. «Биз қирғинларни бошидан кечирган одамларнинг зурриёдимиз», демоқчи шоир. Бу оддий ҳақиқат сурати мислсиз бадиий маҳорат билан чизилмоқда шу мисра орқали.

«Занг темирни емиради» — бу ҳам оддий ҳақиқат. Занглаган темир қайсидир даражада ўз мустаҳкамлигини йўқотади. Мабодо, йиллар оша қонда қолган занг кўлмак, биқиқ, боринги, мустабид муҳитда вужудга ҳам таъсир қилмасмикин? Яна у қон соф ҳаволарда, илоҳий кароматлар-у, даврнинг суронларида тозаланмаган бўлса, вужуд эгаси одам сифатида пода, оломон шаклида кун кўришга чормихланган бўлса-чи?

Занглаган туйғу қайсидир даражада (балки бутунлай) ўз шукуҳини йўқотар экан. Бўлмаса, бугун аниқ кўзга ташланиб қолаётган (одатда, ўғил отадан ажралиб, мустақил рўзғор тута бошлагач, кимлиги билинади) мутеълик («қуллик» десак, қуллар хафа бўлиши мумкин) қачон бунчалар чуқур томир отиб улгурган экан?! Ёки одамларимиз шунча лоқайд, бокибеғам, ҳасадгўй, мунофиқ эканми? Мустақиллик бизга ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилиш имконини бергач, бироз бошимиз айланиб қолмадими?

Ҳа, одам ўзини овутиб, ўтмиш авлодлари панасида яшириниб юраверишга мумкин. Бироқ ҳар бир даврнинг ўз сўроқлари бўладики, уларга фақат бугун (кеча ҳам эмас, эртага ҳам эмас) — бугун жавоб бермоқ лозим. Жавоб бериш учун эса арзийдиган қавм бўлиш шарт.

Албатта, ҳар лаҳзада кўнглимиздан суверен давлат фуқароси эканимиздан шукрона кечади. Бизнинг бу бахтга эришганимизга 15 йил тўлаяпти. Бироқ 150 йиллар давом этган тартибларнинг оқавалари ҳамон кўпчиликни карахт қилиб турибди, деб хулоса қилсак, хато бўлмас. Айниқса, тоталитар тартибларни бутун вужуди билан қабул қилган, унинг устуворлиги йўлида хизматда бўлган ва, демак, нашъу намоларидан етарлича ҳаловат топган зотлар нафақат у кунларни унута олмаяптилар, балки мустақиллик неъматларини қабул қила олмаяптилар. Ўша темир занги қон томирларининг деворларига кўчмас бўлиб тармашиб қолганга ўхшайди.

Бу ҳолатнинг воқе бўлиш лаҳзаларини Соҳибқирон Амир Темур шахсига муносабат кўзгусида бир кур назардан ўтказайлик.

Аввало, Амир Темур тарихининг халқимиз меросига айланиши мустақилликнинг энг катта туҳфаларидан бири бўлганини қайта-қайта такрорлаш лозим. Давлатимиз раҳбарининг қатъияти, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан бу ноёб хазина маънавий мулкимизга айланди. Энди бу ҳақда гапиришдан чўчиш эмас, гапиришга рағбат кучайди. Ўрганаман, ёзаман, деганга бирон ўринда таъқиқ йўқ. Энди ҳозиргача ўз юртида қадр топмаган, эъзозланмаган бу бойликни чинакамига истеъфода этиш, бутун инсониятга кўз-кўз қилиб кўрсатиш фурсати етишди ва бу борада сезиларли ютуқлар бор. Шу ўринда кўнгилдан бир андиша кечади: ана шу оламшумул юмуш маълум тоифа кишиларининггина ташвишига айланиб қолмаяптими, бу ғурурни, ифтихорни юртнинг жами катта-кичиги туяяптими? Албатта, ишончли жавоб бериш оғир, эҳтимол, ҳаммадан буни кутиб ҳам бўлмас. Лекин шундай бўлиши шарт — шу юртда яшаётган ҳар бир одам ўз вужудидан ўша кунлар шукуҳини ўтказиб кўрсин.

Афсуски, бу жўн нарса эмас экан...

... Мустақиллигимизнинг илк мевалари кўзга ташланиб қола бошлаган кунлар. Пойтахтнинг қоқ марказида қад ростлаган муҳташам ҳайкал кўзларни қувонтирмоқда. Одамлар сўзсиз ички бир туйғу билан беихтиёр унинг қошига интиладилар. Кўнгиллардан боқий қадриятлар бўй кўрсатади, таққирланган, хўрланган кунлар қийноғи таскин олади унинг қаршисида. Гарчи бетимсол бўлса-да, баъзан шахсий майлларга эрк берилиб, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашади баъзилар. Биз ҳам унга яқин жойда эдик ва тилимизда шукрона янгради — озод кунлар учун. Шу пайт суҳбатдошлардан бири — савлатли, кўркам чеҳрали одамнинг залворли овози ҳаммани ҳушёр торттирди. У шундай деяр эди:

— Менга қолса, ўттиз метр чуқур қазардим...

Бу гапда асло хафа бўладиган маъно йўқ эди ва кўпчилик умри партиявий топшириқларни бажариш билан ўтган бу одамдан жўяли фикр кутди. Эҳтимол, ҳайкал таг-заминини шунча чуқурликдан ишлаб чиқиш ҳақида ўз лойиҳасини баён этар!

Аммо... у жуда нобоп гап айтди.

Унинг қонидаги «темир занги» хуруж қилган эди.

***

Қийшиқ мўридан — қийшиқ тутун.
Халқ мақоли.

Ўрисларда бир гап бор экан: «Агар одамни ўн кун «Сен чўчқасан» десанг, ўн биринчи куни хуруллай бошлайди».

Одам зотининг табиати қизиқда (бу гапни олдин ҳам жуда кўпчилик айтган). «Қизиқ»лигининг бир қирраси — бир ушлаб олган жойини унча-бунчада қўйиб юбормайди. Айниқса, онт ичган коммунистлар шундай бўлса керак. Уларни ўлдириб ташласалар ҳам, агар айтмайман деса, партком котибининг фамилиясини айтмаган ва хожаси нимани миясига қуйган бўлса, ўшандан бошқасини тан олмаган. Бу ҳолни «коммунистик эътиқод» деб аташган, бундай эътиқод йўлида фарзанд отасини сотган, ота ўз ўғлини қўли билан осган ва бундай ҳолатлар ибрат қилиб кўрсатилган.

Хўш, шу эътиқод талаби билан бизнинг тарихимиз қандай талқин қилинган эди? Бу ҳақда тасаввурларимиз бор, бу сафар гапимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун аниқ мисолларга мурожаат қилайлик. Зеро, бугунги авлод учун оталари, боболарининг дунёқараши қандай маънавият асосида шаклланганини билиш жуда муҳим.

***

Отнинг ўлими — итнинг байрами.
Халқ мақоли.

«Номи совет тарихий романчилиги солномасида олтин ҳарфлар билан ёзилган» («Узбекистан» нашриётида 1981 йил 200 минг нусхада чоп этилган «Звезды над Самаркандом» китобида шундай қайд этилади) Сергей Петрович Бородин 1902 йилда Москвада туғилган эди. Унинг «Дмитрий Донской» (1940) романи катта шуҳрат қозонади, Давлат мукофоти билан тақдирланади. У 1950 йилда Тошкентга кўчиб келади ва бутун иқтидорини «Ўрта Осиё тарихи, босқинчи Темур образини бадиий акс эттириш»га йўналтиради. У «Самарқанд осмонидаги юлдузлар» деб аталган «кўппланли тарихий эпопея» устида жадал иш бошлайди. 1955 йилда унинг биринчи китоби «Оқсоқ Темур», сўнгра «Сафар гулханлари», «Йилдирим Боязид» деган қисмлари эълон қилинади. Москвалик ёзувчининг бу саъй-ҳаракатлари Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти билан сарофроз этилади. Мабодо, у эпопеянинг навбатдаги қисми — «Оқ тулпор»ни ёзиб тугатганида, бундан-да юқори сийликларга муяссар бўларди, лекин қазои қадар унга ҳам шафқат қилмайди, китобни тугатолмай вафот этади.

Бу ўринда мақсад «кўппланли эпопея»нинг авра-астарини ағдариб, таҳлил қилиш эмас, балки шунчаки ракурс йўли билан бу «монументал асар» нимадан баҳс юритади, унинг ҳиди қанақа — шулар тўғрисида мўъжаз тасаввур ҳосил қилиш ва шу орқали совет мафкурасининг йўналишини ёдга солиш, холос. Ахир бу «эпопея»ни ўқиган бор, ўқимаган бор, шунингдек, унинг муаллифининг номи нега «олтин ҳарфлар билан ёзилиш»га лойиқ топилгани ҳам кўпларни қизиқтиради. Қолаверса, ҳали «кўркам чеҳрали» одам чуқур қазиб, нима қилмоқчи эканини сизга айтмадик ҳам.

Эътироф этиш керак, Сергей Бородин иқтидорли ёзувчи бўлган. Ижодий руҳи тарихга ҳамоҳанг бўлган бу қаламкаш қайси мавзуга қўл урмасин, воқеалар гирдобида боши айланиб қолмайди, калавасини учини йўқотиб қўйиб, алжирамайди, аксинча, давр ва воқеани маҳорат билан акс эттиради. Унинг ўша замон адабий ҳаётида қозонган обрўси тасодиф бўлмаган. Хусусан, нашриёт эскартишида қайд этилганидек, «рус куролининг қудрати ҳақидаги «Дмитрий Донской» романи она халқи, унинг тарихи ва маданиятига юксак ҳурмат билан ёзилган». Асар баҳор ёмғиридан тозаринган Москва тасвири билан бошланади, унинг ҳар бир сатрида ёзувчининг меҳри сезилиб туради. Бу — табиий ҳол. Ёзувчиадиб ўз халқининг фарзанди ва уни васф этишни фарзандлик бурчи деб билади. Китобда саҳифама-саҳифа зоҳир бўлган меҳр кучайиб бораверади ва, ниҳоят, Куликово жанги (аслида бу издиҳомда томонлар лашкарининг ўндан тўққиз қисми қирилиб кетган, бироқ ғолиблар аниқланмаган эди) тасвирида бу меҳр душманлар — татарлар, яъни Олтин Ўрда вакилларига нисбатан оловли нафрат билан алмашади. Ёзувчи Дмитрий Донской қўшини тарафида туриб ёв билан жанг қилади. Эҳтимол, ана шу руҳ романни энг ватанпарварона асар сифатида баҳоланишини таъминлагандир.

Ўз шаҳрида ватанпарвар ёзувчи сифатида шуҳрат қозонган Бородин Тошкентга юборилади. Бу ерликларга ватанпарварликдан дарс (сабоқ) бериш учунми? Балки! Балки харидор сифатида ташриф буюриб, ватанни қандай сотиш кераклигини ўргатиш учундир?! Нима бўлганда ҳам ўшанда Ўрта Осиё унинг бадиий салоҳияти қаршисида тиз чўкди, унинг ижод фабрикасидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миллион нусхаларда зудлик билан истеъмолчиларга етказиб берилди. Шундай қилиб, Ўрта Осиё тарихининг энг зулмат ва қоронғу нуқталари дунё афкор оммаси кўз олдида яққол намоён бўлди. Гўё дунё тўкилган жами қонлар учун ўч олиш мақсадида фурсат пойлар, ҳапқириб ўша қонхўрни изларди. Сергей Петрович одамзотнинг ана шу эҳтиёжини бир зумда «есть» қилди. Унинг қаламидан бемисл ёвуз бир зот тимсоли жонланиб, саҳифалардан дунёга таҳдид сола бошлади.

Сергей Петрович энди бу ўринда ватанпарвар эмас эди. Эҳтимол, у тарихий далилларни ўрганиш жараёнида дунёни ларзага солиб, йўқсилларни бирлашишга даъват этаётган, дину диёнатдан йироқ социализмнинг мафкураси — коммунистик ғоянинг ашаддий душманига дуч келгандир ва шу туфайли саҳифаларни сиёҳ билан эмас, заҳар билан ёзгандир, бироқ нима бўлганда ҳам, у ўрганаётган давр билан у яшаётган давр кун билан тун эканлигини ҳис қилгани шубҳасиз. Билъакс, ҳақиқатга бунчалик қора чаплаш, асоссиз бир тарзда бир зотга бунчалик ғазаб сочиш бўлмас эди.

Шундай қилиб, «Самарқанд осмонидаги юлдузлар»нинг биринчи китоби ҳақиқатнинг юзига тупуриб, сўзнинг ҳам уволидан қўрқмай мислсиз нафрат (нега?) руҳи билан ёзилди. Мен сизга айтиб қўяй, китобнинг биринчи сатриданоқ бадбўй ҳид келади: «Самарқанд туни қоронғу, лоҳас». Табиий, ана шундай ёвқараш саҳифалар оша кучайиб бораверади, оқибатда, бугунги тасаввурларга солиштирганда бутунлай туҳматдан иборат лавҳалар чизилади.

Албатта, ёзувчиликнинг ҳеч жойда қайд қилинмаган ахлоқ мезонлари бўлади. Масалан, бизнинг боболаримиз йирик асарларини ҳамду наът билан бошлаб, Аллоҳ ва пайғамбарлар номи билан ёлғонни ёзмасликка сўз берганлар. Сергей Бородин жаноблари ҳам қайсидир нўқталарда тарих ҳақиқатига амал қилади — у ўша даврни қўлидаги манбалар асосида пухта ўрганган. Аммо ҳамма ўринда ҳам одил қола олмайди. Қандайдир кўрсатмаларга суяниб, таклиф қилинган қонунлар асосида ҳаракат қилганга ўхшайди. Ёқимсиз таассурот туғдирувчи воситаларни топишга интилиши ҳам зўрма-зўраки. У арзимаган унсурга ҳам салбий оҳанг ёпиштираверади. Жумладан, унинг қаҳрамони — Темур гап қотмайди, пўнғиллайди («проворчал»), гапирмайди — вайсайди («пробормотал»). Эшигини тепиб уй ичига киради, «қонга белаб, тутунини чиқарган бу мамлакатда ўзига нима ёққан-ёқмаганини ҳеч кимга айтмайди». Шу хилдаги жон куйдириб қорачапалашлардан сўнг, табиий, китобхон кўз олдида ҳар қандай кишини қўрқувга соладиган даҳшатли бир зот тимсоли пайдо бўлади. Энди унинг тарафини олиш мумкин эмас, энди уни яхши кўриш — ваҳшийликни рағбатлантириш билан баробар. Эҳтимол, ўша пайтдаги совет мафкурасига худди шу нарса керак бўлгандир. Эҳтимол, моҳир ёзувчи бу вазифани сидқидилдан уддалаб, хожаларининг тузини муносиб оқлагандир. Ахир унинг иссиқ жойини совутиб, чекка ўлкага бекорга юборишмаган бўлсалар керак.

(Давоми бор).

Ҳаким САТТОРИЙ

Назм

Ҳуснинг чаман лоласи гирди шабнам донаси

ИСТИҒФОР

Худо яшар
ҳар бир гиёҳда,
Ҳар дарахтда бордир диёнат.
Шавкат РАҲМОН

Англадингми, шоир сўзини,
Ҳис қилдингми, муддаоларин.
Бу сўзларда тавба кезинур
Бу сўзларда қисмат яширин.

Тавба, дейман ёқамни тутиб,
Депсаб қўйдим қанча гиёҳни.
Тангрим, Тангрим энди не бўлди,
Тутгай бизни диёнат оҳи...

Шавкат ака!
Не қилай, айтинг,
Истиғфорим топсин ижобат?
Худо қачон бизда яшайди,
Қалбимизга кўчгай диёнат?!

НИМАСИ БОР?..

Жаббор ака РАЗЗОҚОВга

Тўғри,
Бундоқ қарасангиз, кўча хандон,
Кўрган дейди: "нимаси бор бу кишимнинг.
Ҳеч вақоси. Бу кишимнинг жуссаси бор
Юрагида муддаоси "курсим" деган".

Бироқ,
Гамин кулиб-кулиб сўлдиради.
Ярасига малҳам босар аламлардан.
Кўйнингизни меҳри ила тўлдиради,
Меҳр билан ёзғиради одамлардан.

"Бормисиз?" — деб ҳол сўраса кўрганида,
Шукроналар келтирасан, борлигингга.
Кўнглинг ўсар соғу омон юрганингдан,
Бир дунё бўп қайтасан сўнг тор уйингга.

Ҳофизангга донғил-донғил ўйлар келар,
Тиниқлашиб қолар сўлғин саҳарларинг.
Ориқ, хорғин орзуларинг кучга тўлар,
Алпомишга менгзар босар-тусарларинг.

Тўғри,
Бундоқ қарасанг, кўча хандон,
Кўрган дер: "Ҳаҳ, бу кишимнинг нимаси бор?"
Ҳеч вақоси. Бу кишимнинг қисмати бор
Юрагида жазаваси — "Юртим", деган...

ТЕНГҚУРЛАРИМ

Соғинч билан ўйладим сизни,
Қайда бўлмай эслаб талпиндим.
О, ялантўш қишлоқдошларим,
Сиз ҳам бизни қўмсадингизми?

Сидирдими ё хотирингиздан,
Армонларни йиллар довони.
Эслайсизми ҳар бирингизга
Маҳтал эди қирқ қиз жамоли.

Изғир эдик тунлар қишлоқда,
Бежизмасди итлар ҳуриши.
Юлдузларнинг жимирлаши бу —
Бўй қизларнинг юрак уриши.

Кеча тунда қишлоқни кездим,
Нимагадир итлар ҳурмади.
Имламади юлдузлар ҳам, жим,
Дарвозалар боқди мунғайиб.

Дангал ариқ "лоток" бўлибди,
Жилдирайди чулдирагина.
Юракларим кетди эзилиб,
Қишлоққинам шундай кичкина...

Мойгир йўли, Жонобод йўли
Шунчалар ҳам тангу тормиди.
Пойтуғ етар узатсам қўлим,
Бир пайт пойтахт руҳи бор эди.

Ҳамма нарса ўзгарган бугун,
Уйлар пўрим, мевалар бўлиқ.
Қишлоқ гўзал, шаҳардай гулгун
Бироқ... маъсум Тешикмозор йўқ.

ЯЗҒУРМА

Ҳуснинг чаман лоласи гирди шабнам донаси,
Ул ваҳ, кимлар воласи, кўз ёши — хун жоласи?

Раҳми қил, асир дилман, бандаи басир дилман,
Рост йўл топарманму, васл уйига, ё насиб.

Ихтиёр этдим сўзандил, ўрта азобида,
Язғурма, тараҳҳум қил, қатл эт ишқдин дор осиб.

Айб этма, беқароринг, бир қарор истаюр, жон
Токи нолам етмаса келди оҳнинг хонаси.

Гар хазон айёмидир, Интизор ҳоли зорлиғ,
Англармикин ул нигор, бир фақирнинг ноласин?

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

Иқтибос

«ҲИДОЯТ» ҲАДИСИ

Маърифат ихлосмандларининг севимли журнали бўлиб қолган "Ҳидоят"нинг 4-сони нашрдан чиқди. Журналнинг янги сонидан ўқувчини мулоҳаза ва мушоҳадага чорловчи илмий-маърифий мақолалар, ибратли ҳикоятлар, фойдали маслаҳатлар ва қизиқарли маълумотлар ўрин олган.

ВАЛ-ОДИЁТ СУРАСИ

"Ва, шак-шубҳасиз, у бунга (ўзининг бу ношукрлигига) гувоҳдир".

Яъни, инсон ўз ношукрлигига ўзи гувоҳдир. Қуръони каримнинг бошқа оятларида ҳам унинг сўзи ва амалида Парвардигорга итоат этмаслиги кўриниб туриши айтилган (Тавба, 17).

"Ва, шак-шубҳасиз, у мол-дунё муҳаббатига жуда қаттиқ (берилувчи)дир".

Яъни, инсон молни яхши кўрганидан уни қизғанади ёки қўлга киритиш учун қаттиқ ҳаракат қилади, тинмай унинг ортидан қувади.

"Ахир у билмасмики, (Қиёмат қўпиб) қабристонларнинг ичидаги нарсалар (жасадларга қайта жон ато этилиб, ташқарига) чиқарилганида ва диллардаги сирлар ошкор қилинганида — ана ўша Кунда, шак-шубҳасиз, Парвардигор улардан (яъни, барча халойиқнинг дунё ҳаётида қилиб ўтган ишларидан) огоҳ (хабардор)-ку!".

Анвар АҲМАД таржимаси

ИСЛОМ ВА ОЛАМ
Оврупа иттифоқи "Ислом терроризми" атамасига қарши

Оврупа Иттифоқи "Ислом терроризми" ёки "Ислом ақидапарастлиги" каби номуносиб ва ноилмий атамалардан фойдаланишни қонундан ташқари деб эълон этиш ниятидадир. Мутахассисларнинг фикрича, бу нарса Ислом дини шаънига асоссиз шубҳа уйғотмоқда, нотўғри фикрлар тарқалишига сабаб бўлмоқда. Оврупа Иттифоқининг террорчиликка қарши кураш бўйича идораси раҳбари Гижз де Врайс шу муносабат билан, террорчилик жаҳон динларидан бирортасига ҳам хос нарса эмас, деб айтди. У мусулмонлар террорчилик ҳаракатларини кескин қоралаганларини ҳам эътироф этди.

Reuters

ИСЛОМ ОЛИМАЛАРИ

Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) суюкли хотинларидан ҳазрати Ойиша (розийаллаҳу анҳо) рисолат дарсхонасида етишган илк олима эдилар. Бу борада мавқелари жуда баланд бўлган. Тафсир, ҳадис, фиқҳ илмларида илғор эдилар. Шаръий ҳукмларнинг тўртдан бир қисми ҳазрати Ойиша ривоятлари асосида тузилган. Расулуллоҳдан (соллалоҳу алайҳи ва саллам) кўп ҳадис (2210 та ҳадис) ривоят қилишда етакчи ўринлардан бирида турадилар. Бу зотнинг бемисл ақл-заковатлари, қувваи ҳофизалари, билимдонликлари хусусида ўнлаб саҳобийлар ва шогирдларининг эътирофлари бор.

Шогирдларидан Урва ибн Зубайр бундай дейди: "Мен ҳазрати Ойишадан (Аллоҳ рози бўлсин) кўра улуғроқ олимни учратмадим. Қуръони карим илмларини, шариатда ҳалол-ҳаромни, фарзларни, шеърият, араблар тарихи ва насабини билишда бу зотга тенг келадигани йўқ эди".

Муниба АҲМАД тайёрлади

ҲАР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ

Шу кунларда, шу дақиқаларда ҳам кимнингдир отаси ёки онаси шифохонада ётгандир. Уларни йўқлаб ҳар куни боряпмизми? Билишимиз жоизким, уларга докторнинг дориси эмас, бизнинг иссиқ юзимизни кўриш давodир. Кунда бир борамизми? Нима учун икки марта бормаймиз? Борганда ҳам неча дақиқа ўтирамиз? Ўн дақиқами ё ярим соатми?

Ҳа... биз банд одамларmиз. Ишимиз кўп. Энди диққат қилайлик, ишимиз кўп, аммо отаонамиз кўп эмас. Биттагина! Бугунги ишни эртага бажарсак ҳам бўлади. Бугунги мажлисга кирмаслик ҳам мумкин. Бироқ ота-она ғанимат, бугун кўргани келолмасанг, эртага иссиқ юзларини эмас, совуган жасадларини кўришингиз мумкин.

Тоҳир МАЛИК

ИРИМ

Динимиз иримдан қайтаради. Сафар ойи сафарга чиқиб ёки тўй қилиб ёки кўч кўтариб бўлмайди, деган гаплар иримдир. Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): "Касалликнинг юқиши йўқдир. Ирим қилиш йўқдир, уруш ман қилинган ойни кейинга суриш йўқдир", деганлар.

Бизнинг диёрларда ҳам руҳ капалак бўлиб ё бошқа ҳолатда хонадонга келиб туради, пайшанба куни дастурхонлар тепасида ҳозир бўлади, деган тасаввур ёйилган. Бу қараш ҳам бутунлай нотўғридир. Руҳ танадан суғуриб олинганидан кейин айланиб юрмайди, хонадонига келмайди. Мана шу соф исломий ақидадир.

Раҳматуллоҳ ҲАБИБУЛЛОҲ ўғли

ТАБАССУМ ҲАДЯ ЭТИНГ

Мавлоно Румийга қулоқ соламиз:

"Севилиш қийин бўлса севиш осондир. Севилиш учун бир қанча фазилатларга эга бўлишинг даркор, севиш эса, ҳар бир инсоннинг иқтидорида бор бўлган ажиб неъматдир. Севилиш инсоннинг қўлида эмас, аммо севиш фурсатини бой берма. Модомики, Юсуф бўлиш имконияти йўқ экан, Ёқуб бўлишдан сени ким қайтара олади? Севгингга содиқ, ишқингга қоим бўлишингга ким ҳалал беради?"

Умида АБДУСАЛОМ қизи

СОЛИҲ ФАРЗАНД

Гўдаклигида мен уни яхши кўрмас эдим, чунки у кўр эди. Лекин энди мен шуни аниқ биламанки, у кўр эмас, ҳақиқий кўр мен бўлган эканман, зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкраклардаги қалблар кўр бўлур.

Яна уни чўлоқ бўлгани учун ҳам яхши кўрмас эдим. Лекин энди мен шуни аниқ биламанки, аслида чўлоқ мен бўлган эканман. Унинг оёғининг чўлоқлиги ҳақ йўлда юришга тўсиқ бўлолмаган эди. Аммо мен соғлом бўлатуриб шайтоннинг йўлида юрган эканман.

"Фақултустағфиру" китобидан Камолиддин ИНОЯТУЛЛОҲ ўғли таржимаси

Нашр

Сир эмас, айрим кўнгилочар (буларни сариқ матбуот, булвар газетаси каби антиқа номлари ҳам бор) нашрлар нима қилиб бўлса ҳам мухлис орттириш, ададини кўпайтириш пайида турли олди-қочди, шов-шувли мавзуларга ружу қилмоқдалар! Бир қарашда бунинг ёмон жойи йўқдек: ошхўрга ош, нонхўрга нон! Интернет деган мўъжиза пайдо бўлгач, бундай "харидоргир" материалларни топиш ҳам, чоп этиш ҳам қийин бўлмай қолди. Деярли ҳамма саҳифалари нуқул олди-қочди, юзаки материаллар билан тўлиб-тошган газеталар бир қарашда қизиқарли, ўқишли туюлади. Аммо уларни ўқиб чиққач, дўппини олиб қўйиб жиддийроқ ўйлаб кўрилса, кўнгил мулкини бойитадиган, маънавий озуқа берадиган ҳеч қандай бир ибратли жиҳати сезилмайди. Шунда беихтиёр беҳуда сарфланган маблағга, зое кетган вақтга ачинасан.

"ХОЛИС" ГАЗЕТАСИ 10 ЁШДА

Хайриятки, "Холис" бундай осон, енгил йўлдан бормади. Газета илк қадамлариданоқ халқнинг, оддий меҳнаткашнинг дарду қувончлари, орзу умидлари ифодачиси сифатида майдонга чиқди. Эндиликда "Холис" фақат Андижонда, водийдагина эмас, пойтахтда ва бошқа жойларда ҳам тарқатилмоқда.

Назаримда, нимани қандай ёзиш керак деган азалий муаммонинг қалови топилгани, материаллар дид билан сараланиб, халқона, равон тилда ёритилгани таҳририятга қўл келмоқда. Шу боис "Ҳадис", "Ҳикоят", "Ҳидоят сари", "Тазарру", "Турмуш чорраҳаларида", "Қиссадан ҳисса", "Абадият йўли", "Кечинма", "Юртимизни ўрганамиз", "Севгим-севгилим", "Қариси бор уй", "Холис" меҳмони", "Ишқ ва ҳавас", "Ғаройибот" каби рукнлар ўз ўқувчисини топди. Гоҳо ушбу рукнларда берилган теран маъноли, таъсирчан мақолалар худди ёзилажак бадиий асарнинг эскизи — қораламасига ўхшайди. Бу материаллар аввало ҳаётийлиги, ибратли жиҳати ва маъно салмоғи билан диққатга сазовордир. Улар газетхонни ўйлатади, мулоҳаза-мушоҳадага, гоҳо баҳс-мунозарага чорлайди.

Менимча, "Холис"нинг муваффақиятини таъминлаган муҳим омиллардан бири — бош муҳаррир, таниқли адиб ва шоир Қамчибек Кенжа газета ишининг ҳақиқий фидойиси бўлган иқтидорли қаламкашлардан иборат яхшигина, аҳил жамоа туза олганидир!

Кузатишимча, "Холис"нинг обрўси ва нуфузини оширган, муштарий кўнглига яқин қилган яна бир омил — доимий, фаол муаллифларнинг шаклланганидир. Камина ҳар гал Ҳ. Мамиталиев, З. Абдуллаева, К. Нишонов, М. Охунова, Н. Шамсутдинов, Н. Сайдалиева, Д. Тешабоева, Ҳ. Сиддиқ каби муаллифларнинг ёзганларини зўр қизиқиш ва қониқиш билан мутолаа қиламан. Мен уларни янада яқиндан билгим, ижодлари билан танишгим келарди. Буни қарангки, таҳририят газетанинг 26 апрель сонида юқоридаги муаллифлар ҳақида ичхам маълумотларни фотосуратлари билан чоп этиб, хайрли иш қилибди. Умид қиламанки, муаллифлар билан таҳририят ўртасидаги ҳамкорлик келажакда янада самарали бўлади.

Одатда, юбилей-тантаналарда танқидий гап айтилмайди. Мен ҳам бу анъанани четлаб ўтолмадим. Қолаверса, "Холис"чиларни мақтов билан айнитиб бўлмайди. Мавриди келганда бир оғиз илиқ гап, эътироф ҳам керак. Журналистнинг нони қаттиқ...

Тилагим — "Холис"ни кўпсонли мухлисларнинг меҳру ихлоси ҳеч қачон тарк этмасин. Газетанинг парвози бунда-да баланд бўлаверсин.

Шодмон ОТАБЕК, "Холис"нинг таҳририят аъзоси

Ўзбекистон овозидан ёзди HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 755
Т: 3204
2 3 4 5 6

® — тижорат белгиси.

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.